



8

СУРХОН ПОЛВОНЛАР ЮРТИГА АЙЛАНДИ

— дейди халқаро тоифадаги спорт устаси Бекзод Тўрабоев

ДУНЁНИ АНГЛАШ СИРЛАРИ

ёхуд болалар адабиётига бир назар



12



ҚАДРИЯТЛАР КУРАШИ

14



15



ЎзА сурат-лавҳаси

Фарзанд тарбияси — азалий қадрият

МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР!
Оилангизнинг яна бир сирдош, дилдош дўстига айланиб қолган сеvimли газетангизга

2016 йил учун обуна давом этмоқда!

Обуна индекси — 176



МТ МАТБУОТ тарқатувчи

акциядорлик компанияси халқимизнинг маънавий дунёсини бойитиш, кундалик ахборотга бўлган эҳтиёжни қондиришдек хайрли ишларга дахлдор эканлиги бизни янада жиддийроқ ишлашга ундайди, зиммамизга масъулият ва долзарб вазифалар юклайди.

Компаниямиз 2016 йил учун вақтли матбуот нашрларига обуна уюштирмоқда.

ОБУНАГА КЎМАКЧИ — "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ"!

Мурожаат учун телефонлар: 233-67-98, 234-85-99



Реклама ўрнида

ЭНГ ФАОЛ, ЭНГ НАМУНАЛИ

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан 2012 йилдан буюн аънавий тарзда ўтказиб келинаётган "Хотин-қизлар кўмитасининг энг намунали бошланғич ташкилоти" кўрик-танлови бошланғич тузилмалар фаолияти тақомиллашувида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мазкур танловнинг бую йилги республика босқичи голибларини тақдирлаш маросими Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш, Мудофаа вазирликлари, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Ўзбекистон" эстрада бирлашмаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, сиёсий партияларнинг "Аёллар қаноти" раҳбарлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, кўмита фаоллари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари ҳамда журналистлар иштирок этишди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова сўзга чиқиб, мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, саломамлигини муҳофаза қилиш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишловлар тўғрисида бугунги кунда барча соҳаларда хотин-қизлар ўз иқтидори ва салоҳиятини намойиш этиб бораётганини алоҳида таъкидлаб ўтди. Шунингдек, танлов сарҳисоби, вилоятларимиздаги бошланғич ташкилотлар фаолияти қай даражада йўлга қўйилганлиги, бу борадаги ютуқ ва камчиликларга батафсил тўхталиб, жумладан, шундай деди:

— Хотин-қизлар кўмиталари ўз илдизи ва негизи бўлган бошланғич ташкилотларнинг фидокорона меҳнатига таянади. Хотин-қизларга оид давлат сиёсатини кенг тарғиб этиш, ислохотларни аҳолига етказиш,



жойларда жамоатчилик родини кенгайтиришда қуйи тизимлар билан бирга бошланғич ташкилотлар бирдек масъулдир.

Танлов голиблари — "Энг намунали маҳалла хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти", "Энг намунали касб-хунар коллежи ёки академик лицей хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти", "Энг намунали умумтаълим мактаби хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти", "Энг намунали тиббиёт муассасаси хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти", "Энг намунали корхона хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти" номинациялари бўйича тақдирландилар.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасида ҳозирги кунда 41 мингдан ортқ бошланғич ташкилотлар рўйхатга олинган бўлиб, шундан вазирлик, корхона, идора ва ташкилотларда — 14515 та, ўзини-ўзи бошқариш органларида — 9072 та, олий ўқув юртларида — 352та, коллеж, академик лицейларда — 1541 та, умумтаълим мактабларида — 9787 та, мактабга таълим муассасаларида — 5088 та бошланғич ташкилотлар мавжуд бўлиб, у ерда фаолият юритаётган аёллар хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг оила ва жамиятдаги родини кучайтириш, саломамлигини асраш, касбий фаоллигини юксалтириш йўлида олиб борилаётган давлат сиёсатини аҳолининг қуйи қатламларига етказиш билан бирга, хотин-қизларнинг оиладаги муаммолари, руҳий ҳолатини ўрганишда ва уларга яқиндан ёрдам беришда муҳим вазифалар

ни амалга ошириб келмоқда. Жорий йил мазкур танловнинг туман-шаҳар босқичларида 37 мингга яқин, вилоят босқичида 3600 та бошланғич ташкилотлар раислари иштирок этди. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда вилоятлар хотин-қизлар кўмиталарининг 122 нафар бошланғич ташкилотлари вакиллари жамлаган республика босқичи эса чин маънода тажриба алмашиш майдони га айланди.

— Биз, гарчи, вилоятимизда намунали дея эътироф этилган бўлсак-да, республикамиздаги ҳамкасбларимиз эришаётган ютуқларини, бой тажрибаларни кўриб, ўз нуқсонларимизни ҳам билиб оламиз, — дейди танлов голибларидан бири Тошкент вилояти Зангиота тумани 32-мактаб ўқитувчиси Азиза Наипова. — Танловда иштирок этиш жараёнида биз галаба учун курашишни эмас, вилоятимиздаги минглаб аёлларнинг турмушини яхшилаш учун жавобгар эканлигимизни ҳис қилдик. Фаолиятимиз давомида одам савдоси, носоғлом муҳит муаммолари хусусида ҳам суҳбатлар ўтказамиз. "Оналар мактаби", "Ораста қизлар" тўғраги машгулотлари қизларимизда катта қизиқиш уйғотмоқда. Албатта, иш жараёнида камчиликлар ҳам бўлади. Танлов давомида оилавий муаммолари, жисмоний жиҳатдан камчилиги бор қизларга алоҳида эътибор бериш кераклиги, уларнинг қобилиятини юзга чиқаришга кўмаклашимиз лозимлигини тушуندим.

— Маҳалла ҳам бир оила. Унинг тинч-тотувлиги, хусу-

сан аёллар ва қизларга оид масалаларга эътиборли бўлиш биздан ҳар доим изланишни талаб этади, — дейди Навоий вилояти Зарафшон шаҳридаги Тинчлик маҳалласи бошланғич ташкилоти раиси Раъно Ҳидоятлова. — Ҳар бир маҳалла вакиллари ўз аҳолиси билан ҳамжиҳатликда бир бутун кучга айланган. Агар бизни маҳалладошларимиз қўлламас, ўзларининг фаоллиги билан ишимизни янада жонлантормас, биз ҳеч қандай натижага эга бўлмасдик. Ўйлайманки, бугунги ютуғимизда фидойи, аҳил маҳалладошларимизнинг ҳам ўзига хос улуши бор. Уй бекаларининг вақтининг олдимизда турган энг муҳим вазифалардан саналади.

Йилдан йилга янгидан-янги бошланғич ташкилотлар салоҳиятини кашф қилиб бораётган ушбу аънавий танловга бу йил яна 2 та — "Энг намунали қўшма корхона хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти" ва "Энг намунали ҳарбий қисм хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти" номинациялари киритилди.

— Танловнинг ҳарбий қисм йўналишида 5 нафар ходимнинг голиб бўлганидан жуда мамнунмиз, — дейди Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиларнинг оилалари билан ишлаш бўйича бош мутахассис, хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти раиси Нигора Ўрозова. — Ушбу йўналишнинг киритилгани ходимларимизни, хусусан бошланғич ташкилотлар фаолиятини янада яхшилланишига сабаб бўлади. Ҳарбий хизматчиларнинг аёлларини иш билан таъминлаш, уларнинг оила ва жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлашда кўплаб натижаларга эга бўлдик. Мазкур танлов эса бизга қилган ишларимизни намойиш этиш ва бошқа ҳарбий қисмлар фаолиятини ўрганиш имконини беради.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова сўзга чиқди.

Ҳамроҳон МУСУРМОНОВА,
Қамола РАҲИМХЎЖАЕВА,
"Оила ва жамият" мухбирлари.
ЎЗА сурати.

юқори бўлган уй бекалари ҳамда 10 ёшгача қизлар этиб белгиланди.

Қизгин беллашувлар ва муросасиз баҳсларга бой ўтган спорт мусобақасининг ёпилиш маросимида голиблар аниқланиб, ташкилотчилар ва хомийларнинг қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова қатнашди.

Ифтихор СИДДИҚОВ.

Танлов

ИСТЕЪДОДДА БЕНАЗИР ҚИЗЛАР

Ўн олти йилдирки, Зулфия номидаги Давлат мукофоти учун бўлиб ўтаётган кўрик-танлов ижодкор қизларни бир мақсад йўлида интилишга чоғлаб, иқтидорини сайқаллаб келаётир. Танловнинг дастлабки босқичларидаёқ минг-минглаб ноёб истеъдод соҳибалари кашф этиляпти. Уларнинг изланиши, янгиликка, билимга чанқоқлиги дилни қувнатади.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти учун ўтказилган аънавий кўрик-танловнинг Наманган вилоят босқичида иқтидорли қизларнинг энг саралари иштирок этди. Уни самимий тилаклар билан очиб берган вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси Манзураҳон Азизова ўз сўзида йилдан-йилга



ушбу танловнинг нуфузи ортиб бораётгани, синов жараёни мукамаллашгани, иштирокчиларнинг дунёқараши, изланиши, иқтидори юксалиб бораётгани, амалга оширилаётган эзгу ишлар самараси эканини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Адабиёт, фан, таълим, маданият ва санъат йўналишлари бўйича истеъдод ва билимларнинг дунёқараши, изланиши, иқтидори юксалиб бораётгани, амалга оширилаётган эзгу ишлар самараси эканини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Адабиёт, фан, таълим, маданият ва санъат йўналишлари бўйича истеъдод ва билимларнинг дунёқараши, изланиши, иқтидори юксалиб бораётгани, амалга оширилаётган эзгу ишлар самараси эканини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Шундай қутлуг ниятлар билан ўтган танлов беш йўналиш бўйича унинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган иштирокчиларни аниқлаб берди.

Шахло ТОШБЕКОВА,
"Оила ва жамият" мухбири.
Абдумутал МАТКАРИМОВ
олган суратлар.

СПОРТДА ҲАМ ЖОНКУЯР

Пойтахтимизнинг Сергели туманидаги 11-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида "Гимнастика барча учун" мусобақаси ўтказилди.

Мусобақа Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Гимнастика федерацияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди, Касаба

уюшмалари федерацияси кенгаши, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Қамолот" ЁИҲ, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Сергели туман ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкиллаштирилди.

Бу йилги беллашувларда республикамиз бўйича жами 164 та жамоа, 1968 нафар иштирокчи иштирок этиб, бугунгача улардан 348 нафари сараланди. Жамоа таркиби 50 ёшдан

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

ХОТИН-ҚИЗЛАРИМИЗНИНГ ИЖТИМОЙ МАНФААТИНИ ҲИМОЯЛАШ

Бош Қомусимизнинг ҳуқуқий асослари билан янада мустаҳкамланган

Авалло, мустақиллигимиз, қолаверса, Бош Қомусимиз берган имконият туфайли хотин-қизларнинг жамият тараққиётидаги ролини ошириш, улардаги салоҳиятнинг тўла-тўқис намоён этилиши учун шароитлар яратиш, оналик ва болаликни, оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш масаласи чин маънода давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз ҳаётида давлат бошқарувини демократлаштириш ва янада либераллаштириш ислохотлари жараёнида аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, сиёсий оғ ва маданиятини ривожлантириш орқали демократик адриятларнинг ижтимоий ҳаётимизда ўз ифодасини топишга асос бўлмоқда. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимиз ҳаётида хотин-қизлар фаоллигини оширишга, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга алоҳида эътибор берилган. Сиёсий ва ҳуқуқий асослар яратилди.

Соғлом демократик жамиятни яратишнинг муҳим шартларидан бири, аввало, ҳар жиҳатдан соғлом, маънавияти юксак, мустақил фикрловчи янги авлодни тарбиялашдан иборатдир. Оила мустаҳкамлиги ва келажак авлод баркамоллиги ҳар жиҳатдан хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётимиздаги фаоллиги, жисмонан ва маънан соғломлигига ҳам боғлиқдир.

Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда таълим соҳасида, шунингдек, гендер тенгликда, соғлиқни сақлаш, аёлларга гамхўрлик қилиш билан боғлиқ масалаларда катта ютуқларга эришилди. Хусусан, Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги давлат Дастури қабул қилинганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Конституцияимизнинг 46-моддасида: **“Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлиқлар”**, деб белгиланган. Бунини мамлакатимизда кечаётган демократик ислохотлар жараёнида хотин-қизларнинг фаол иштирокида ҳам кўриш мумкин.

Мамлакатимизда эркин фуқаролик жамиятини шакллантиришда хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган ислохотларнинг амалга оширилаётганлиги ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Хусусан, 2004 йилда парламенти сиёсий томонидан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сай-

ловлар тўғрисида»ги қонунга ўзгаришлар киритилди. Жумладан, сиёсий партиялардан кўрсатилаётган жами номзодларнинг камида 30 фоизини хотин-қизлар ташкил этиши лозимлиги белгилаб қўйилди. Сиёсий қарорлар қабул қилишда, аҳолининг кенг қатламлари манфаатларини рўйбага чиқаришда мазкур ислохотларнинг ўрни бекиёсдир. Зеро, бугун мамлакатимиз аҳолисининг 51 фоизи, ишчи кучининг 45 фоизини аёллар ташкил этади.

Президентимиз таъкидлаганларидек, барқарор, мустаҳкам тизимларда, агар фуқароларнинг сиё-

қизларининг турли вакиллари — тадбиркор аёллар, оlima ва зиёллар, фермер ва хунарманд аёллар, бошқа соҳа вакиллари манфаатларини рўйбага чиқаришнинг муҳим воситаси бўлмоқда. Маълумки, сайлов тўғрисидаги қонунчиликда сиёсий партиялар томонидан кўрсатилаётган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида 30 фоизини хотин-қизлар ташкил этиши лозимлиги тўғрисидаги норма белгиланган. Ҳозирги кунда Қонунчилик палатасида хотин-қизлар сони 18 фоизни, Сенатда 15 фоизни, ижро этувчи органларда 3,4



сий манфаатларини рўйбага чиқариш учун ҳамма ҳуқуқий, демократик шарт-шароитлар яратилган бўлса, аҳолининг ўзи ихтиёрий равишда, профессионал асосда мамлакат сиёсий ҳаётида тобора кенг иштирок этади. Аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда фуқаролик жамияти институтларининг ҳам роли муҳим аҳамиятга эга. Чунки, нодавлат характердаги, турли гуруҳлар ва қатламлар манфаатларини ифодалайдиган жамоат ташкилотлари бугунги кунда замонавий фуқаролик жамиятининг муҳим институти сифатида эътироф этилади. Бундай ташкилотларга хотин-қизларни кенг жалб этиш орқали уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашига эришилади, шу билан бирга давлат ва жамият бошқарувида беvosита ва билvosита иштироки таъминланади.

Бу борада аёллар ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишнинг муҳим омилларидан бири сайловларда хотин-қизларнинг иштирокини таъминлаш ва шу орқали давлат бошқарувида жалб этишдир. Аёллар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш мезонларидан яна бири хотин-қизларнинг сиёсий партиялардаги иштироки ва ролини кучайтиришдир.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги мавжуд 4 та сиёсий партия фаолиятида аёллар иштироки йилдан-йилга ошиб бормоқда. Сиёсий партиялар мамлакатимиз хотин-

фоизни, суд идораларида эса 22,7 фоизни ташкил этади.

Давлат миқёсида қабул қилинган ҳужжатлар асосида ҳукумати-миз, вазириликлар ва кўмиталар, жамоат ташкилотлари аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, иқтисодий жабҳаларидаги иштирокини таъминлаш борасида муҳим ишларни амалга оширмоқда.

Хулоса қилганда, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ислохотларининг узвий қисми сифатида хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилишидаги иштироки ва унинг сиёсий-ҳуқуқий асосларини яратиш мустақил давлатимиз ички сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида алоҳида эътироф этилмоқда. Фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат, ноижорат ташкилотлари фаолияти ва давлат бошқаруви органларида аёлларнинг кенг иштирок этишини кафолатлайдиган ҳуқуқий асослар яратилиб келинмоқда. Зеро, жамиятимизда сиёсий фаол ҳуқуқий билимга эга, замон билан ҳамнафас, юрт равнақига камарбаста аёллар сафининг кун сайин кенгайиб бораётгани эса порлоқ келажакимиз гаровидир.

**Муҳаррам
ДАДАХОДЖАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
Меҳнат ва ижтимоий масала-
лар кўмитаси аъзоси.
ЎЗА сурати**

БАРКАМОЛЛИК ЙЎЛИ

Машҳур ҳуқуқшунослардан бири айтганидек: “Одамларнинг ҳуқуқий саводхонлик даражаси мамлакатда қабул қилинган қонунларнинг сони билан эмас, балки одамларнинг ўша қабул қилинган қонунларни қай даражада билиши, уларга риоя қилиши билан ўлчанади”.

Ҳуқуқий маданият жамиятдаги турли хил ҳаётий жараёнларга фаол таъсир кўрсатувчи, фуқароларнинг, жамиятдаги барча кўмаклашувчи, жамиятнинг яхлитлиги ҳамда батартиблигини таъминловчи ва мустаҳкамловчи омилдир.

Ҳуқуқий маданият — умумий маданиятнинг ажралмас таркибий қисмидир. Ҳуқуқий билимларга эга ва уларни амалиётда татбиқ эта оладиган кишини ҳуқуқий маданиятли дейиш мумкин. Бугунги сиёсий-ҳуқуқий воқеликни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада турли даражадаги ҳуқуқий асослар ҳам қабул қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги қарори билан тасдиқланган “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий Дастури”, Президентимизнинг 1997 йил 25 июндаги “Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида”ги Фармони, 2001 йил 4 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”ги Фармойиши, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 23 июлдаги Қарори билан тасдиқланган “Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича идоралараро кенгаш тўғрисида Низом” шулар жумласидандир.

Дарҳақиқат, қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ижтимоий адолат қарор топишини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий билими ва онгини юксалтириш, жамият аъзоларининг сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланган.

Бундан ташқари, ҳукумати-мизнинг 2009 йил 31 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасидан кенг фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори асосида мамлакатимизда ҳуқуқий ахборотни интернет тармоғи орқали етказиб бериш амалиёти кенг йўлга қўйилган бўлиб, фуқаролар www.lex.uz веб-саҳифасидан ўзбек ва рус тилларидаги 36 200 га яқин жамланган қонунчилик ҳужжатидан бепул фойдаланиш мумкин.

Қонунлар тизимини бутун бир иморат деб билсак, Конституция унинг пойдеворидир.

Таниқли хорижлик мутахассис олимлардан бири мамлакатимиз Конституцияси билан танишгач, унга “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси янги ривожланаётган давлатлар Конституциясини ишлаб чиқишда асос бўлиб хизмат қилиши мумкин”, деб баҳо берган эди.

Шу маънода бугунги кунда мамлакатимизда ҳуқуқий саводхонлик масаласини янада ривожлантириш ва ўстиришга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги ҳам бежиз эмас. Жамиятда ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий билимлар тарғиботи ҳамда қонунларга ҳурмат туйғусини янада юксалтириш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир.

**Азизхон НОДИРОВ,
ҳуқуқшунос.**

ҚАРСАКЛАР ОҲАНГЛАРГА ЭВРИЛГАНДА

Истиқлол имкониятлари

ёки “Соҳибкор маданият ва аҳоли дам олиш маскани” дан репортаж

...Бу масканга бундан тўрт-беш йил аввал хизмат сафари билан келгандим. На маҳалла ва на бир идорага ўшайдиган бинонинг биргина тор хонасига маҳалла фаоллари жойлашган эди. Қопқоронғи йўлақдан ўтиб бораркансиз, ҳар замон қарғаларнинг “қағ-қағ” этиби, кейин “патир-путур” бирдан парвоз этгани эшитиларди. Маслаҳатчи опа ийманибгина ичкарига бошлаб, олиб бораётган ишларини, ҳужжатларни кўрсатганди. Тўғриси, идоранинг бундай кўриниши кишига салбий таъсир кўрсатарканми, уларнинг маҳалласи ҳақида тўлиб-тошиб айтиб бераётган фикрларига ишонқирмай қараб турардим. Маҳалла маслаҳатчиси буни сездим, чоғи, “Вақтинча ўтирибмиз-да, бу бинода”, — деди хижолат тортиб. Сўнг ташқарига чиқиб аҳоли, аёллар билан учрашишга келишдик...

Мана, яқинда яна шу, Булунгур туманидаги “Соҳибкор” кишлоқ фуқаролар йиғинига иш юзасидан бордим. Худди ўшандай, машхур оқинимиз Фозил Йўлдош ҳайкали ёнидаги, бир пайтлар қоронғи, зах тортиб қолган бинонинг ўрнида ёруғ бир маскани кўриб хурсандлигимни яширолмадим. Гарчи бошқа масала билан борган бўлсам-да, пештоқига “Соҳибкор маданият ва аҳоли дам олиш маскани” деб ёзиб қўйилган бинога кириб кўрмасликнинг иложини топполмадим. Ичкарида янграётган шодон мусиқага қизалоқлар устозлари кўмағида берилиб рақс тушаётган экан. Нахотки бу ўша бино бўлса?..

— Бу гўзал бинонинг энг улуг ва азиз байрам — Вата-

нимиз Мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилганидан барчанинг қувончи чексиз, — дейди маскан раҳбари Махмуд Эрматов. — Бу ерда тўғараклар фаолияти аллақачон бошлаб юборилди. Ашула, рақс, дутор, драма, фольклор тўғараги аъзолари Наврўз тантаналари ва бошқа турли байрам тадбирларида иштирок этиб, аҳоли назарига тушмоқда. Маскан етти та маҳаллага хизмат кўрсатиб, айна пайтда, тўғарак аъзолари сони 75 нафарга етган бўлса-да, 200 нафарга яқин хаваскор тўғарак ишларида фаол. Ашула тўғарагидан Баҳодир Тошбоев, Валижон Эрматов яккахон хонанда сифатида вилоятдаги тантаналарда ўз кўшиқлари билан қатнашаётир, бир неча бор танловларда фахрли ўринлари эгалладилар.

Бинони кўздан кечиришда давом этарканмиз, ҳар бир тўғарак учун алоҳида хоналар махсус жиҳозланган, асбоблар билан таъминланганига гувох бўлиш мумкин.

— 1995 йилларда ўзим ҳам шу ерда рақс билан шуғулланиб, бу соҳа ҳаётим билан чамбарчас боғланиб кетди, — дейди рақс тўғараги раҳбари Дилдора Сафарова. — Ушанда кичкина қизалоқ эдим, устозим кўмағида шунчаки мусиқага ҳамоҳанг ҳаракатларим, аниқ бир тизимга, рақсга айлана бошлади. Интилимимга устозим яхши баҳо берар, бундан янада руҳланардим. Уша пайтда машгулотларимиз кичик, тор, қоронғи хонада ўтказилар, лекин рақсга қизиқшимиз кучлилиги учун уни ташлаб қўёлмасдим. Ҳозир 20 нафарга яқин қизалоқлар кичик гуруҳда, яна шунча қизлар



катта гуруҳда рақс билан мунтазам шуғулланишмоқда. Қолаверса, республикамизга машхур “Чавқи” фольклор-этнографик ансамбли ҳам айнан шу ерда фаолият кўрсатади. Шунингдек, қизиқувчилар кўпайгани учун ушбу масканда 5-мактаб ҳамда Булунгур маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи билан ҳамкорликда “Чавқи ниҳоллари” ҳамда “Чавқи издошлари” фольклор дасталари ҳам ташкил этилган. “Чавқи издошлари” гуруҳи “Барҳаёт аънаналар” кўрик-танловининг республика босқичида икки марта голибликни қўлга киритган бўлса, “Чавқи ниҳоллари” 2011 йилда республика “Анги авлод” бола-лар фестивалида гран-при соҳиби бўлди.

— Айнан Фозил Йўлдош ўғли туғилган кишлоқда ушбу маданият масканининг қад ростлаши жуда ярашиқли бўлди, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, “Чавқи” ансамбли асосчиси Сувонкул Абдуқодиров. — Ҳақиқатан ҳам, кишлоқда санъатга ҳавасмандлар жуда кўп. Кечагидек аниқ ёдимда:

“Чавқи”ни ташкил қилишдан аввал узоқ йиллар Булунгур халқ театрида фаолият кўрсатганман. Бир маросимда ёши улуг отахонлар билан бемалол, дилдан суҳбатлашишга тўғри келиб қолди. Улар: «Эҳ-ҳе, бурун қандай ўйинларимиз бор эди-я, бешқарсакини айт, чавқи-чи, барининг гашти бор эди-да. Қанийди, ҳозирги ёшлар уларни ўйнаса. Лекин улар бунинг нималигини ҳатто билишмайди...», — дейишганди ачинганнамо. Ана шу фикрлар сабаб боболаримизнинг ёшлиқдаги ўйинлари, уларни биладиган кишилар ҳақида сўраб-суриштирадиган бўлдим. Шу кишлоқимизда Фозил Йўлдош достонларини эшитиб, у кишининг ёнида юрган боболар билан суҳбатладим. Уларнинг аксарияти бу ўйинлардан, халқ кўшиқларидан хабардор экан. Бошқа кишлоқлардан сўраб-суриштириб, билганларимизни таққосладик. Шу тариқа халқ ўйинларини кўшиқлар билан ҳамоҳанг тарзда сахналаштира бошладик. Уша пайтлар, яъни 1987 йиллар бу бино ҳўжалик идораси эди. Тайёргарлик

кўриш учун бизга алоҳида жой ажратилмади. Раҳматлик Дамин бобо, Исмат бобо, Шариф бобо, Эшонкул бобо билан далада, шийпонда эртаю кеч тайёргарлик кўрдик. 15 та кўшиқ тайёрланди. Бу жараёнда қарсақ усулида айтиладиган халқ терма кўшиқларининг бир неча турлари қайтадан кашф этилди, аниқ тизимга солинди. Халқ кўшиқлари сахналаштирилаётганидан узоқ-яқиндаги кишлоқ аҳли аллақачон хабардор бўлишган экан. Концерт берамиз, деганимизда эски, аммо катта бир клубга одам сизмай кетганди: халқ кадриятларига, ўз куйлари, оханларига узоқ йиллар муштоқ бўлганини ўша пайтлар жуда яхши ҳис қилгандим. Шу тариқа “Чавқи” фольклор этнографик ансамбли юзага келди.

Бугун бу бадий жамоанинг ютуқларидан озми-кўпми хабардормиз. Мана, қарийб ўттиз йилдирки, гуруҳ аъзолари ҳамон эски аънамага содиқ қолган ҳолда халқ ичидан юриб, бобо-момоларимиз айтган лапару термаларини ёзиб олиб, уларга бадий кўриниш, яъни қайта ҳаёт бахш этмоқдалар.

...Сувокул ота билан суҳбатимизни яқунларканмиз, бу орада рақс тўғараги аъзолари ҳам ўз машгулотларини тугатиб, чуғурлашганча, бир-бирига фал бермай гапириб, кетишга ҳозирлик кўра бошладилар. Улардан бирининг ушбу сўзлари барчамизга баралла эшитилди: “Мен катта бўлсам, албатта Муқаррама Турғунбоевадек рақсоз бўламан!”. “Соҳибкор”да яратилган шарт-шароитлар, бу ерлик аҳолининг санъатга меҳрию иштиёқини кўриб, қизалоқнинг бу ниятлари рўёбга чиқишига ҳеч шубҳаланмадим.

Гулрух МҶМИНОВА,
“Оила ва жамият” муҳбири.
Самарқанд вилояти.

Иқтисодий тараққиёт этган ва ривожланиб бораётган давлатларда углеводород хом ашёсининг ҳақон миқёсидаги захиралари камайиб бораётган бугунги кунда иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши ва рақобатбардошлигини оширишнинг энг муҳим омил сифатида муқобил энергиядан фойдаланишга эътибор кучайтирилмоқда.

— Биогаз энергиясидан амалда фойдаланиш учун республикамизда катта имкониятлар мавжуд. Бу соҳадаги илгор технологияларни нафақат мамлакатимизда, балки бутун Марказий Осиёда жорий этиш мумкин, — дейди “EKORAVNAQ” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Алижон Темиров. — Президентимизнинг 2013 йил 1 мартдаги “Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони соҳа тараққиётига катта йўл очиб берди. Жаҳон тажрибасига таянган ҳолда Ўзбекистон шароитида муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш учун замонавий усуналар ва технологияларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйганимизга ҳам

БИОГАЗ: АРЗОН ВА ҚУЛАЙ

тўрт йилдан ошди. Дастлаб мутахассисларимиз Хитой, Жанубий Корея ва Россия давлатларида бўлиб, биогаз қурилмаларини ишлаб чиқариш ва уларни ўрнатиш борасида малакаларини ошириб қайтдилар. Бугунга қадар “Ўзбекэнерго” ДАК тасарруфиди Сирдарё ГРЭС, Жиззах ЭС, Чирчиқ шаҳри ҳамда Самарқанд вилоятларидаги бир неча фермер хўжалиқлари ҳамда хонадонларга ўрнатилган 10 куб ва ундан юқори бўлган ҳажмдаги қулай, сифатли, тежамкор, хавфсиз технологияларимиз ишлаб турибди ва бундан истезмолчилар хурсанд.

Жумладан, 2013 йил Сирдарё вилояти Янгиер туманидаги “Энерго насл чорва” масъулияти чекланган жамияти чорвачилик фермасида 100 миллион сўмлик биогаз қурилиш лойиҳалари амалга оширилиб, фойдаланишга топширилди. Эндilikда чорвачилик фермасидаги иситиш тизими, ошхона ва сут қайнатиш цехи тўлиқ биогаз қурилмаси энергиясидан фойдаланилаётганлиги эътиборга

моликдир. Ҳозирда “EKORAVNAQ” масъулияти чекланган жамияти қурувчи-муҳандислари Сирғали туманидаги чорвачилик фермасида 200 куб.м. ҳажмдаги биогаз қурилмасини ўрнатиш билан машғул. Бу қурилма ишга тушган ферма тўлиқ муқобил энергиядан фойдаланишга ўтади.

Хукуматимиз муқобил энергия манбалари яратувчилари ва ундан фойдаланувчиларга қатор имтиёзлар яратмоқда. Жумладан, Ўзбекистонда 2015 – 2019 йилларга мўлжалланган энергия истезмолини камайитириш, иқтисодиёт тармоқларида ва ижтимоий соҳаларида энергия тежовчи технологиялар ва тизимларни жорий қилиш бўйича чора-тадбирлар Дастури ишлаб чиқилиб, ҳаётга тадбиқ этилмоқда.

Ушбу дастурга кўра, мавжуд генерация тизимига муқобил энергия манбалари жорий этилиши талаб қилинади. Бу жараёни тезлаштириш мақсадида муқобил усулда энергия ишлаб чиқарувчи корхона ва компаниялар ўн йил муддатта мол-

мулк солиғидан, махсус жамғармаларга мажбурий киритмалардан, “Ўзбекэнерго” давлат акциядорлик компанияси томонидан амалга ошириладиган энергия ҳажмларига тегишли қўшимча қиймат солиғидан озод қилиниши кўзда тутилган.

Шунингдек, муқобил энергия ишлаб чиқарувчи жиҳозларни ишлаб чиқарувчи корхоналар 5 йил муддатга солиқларнинг барча турларидан ва мажбурий киритмалардан озод қилинади. Шунингдек, мазкур энергия ишлаб чиқарувчилари ҳам, истезмолчилари ҳам мамлакатга тегишли хом ашё, асбоб-ускуна ва ёрдамчи қисмлар олиб киришда бир қатор боғжона имтиёзларига эгадирлар.

Дастурда энергия ишлаб чиқаришда, транспортроқовкасида ва қўлланилишида энергия қувватининг йўқолишининг камайитиришга қаратилган чора-тадбирлар ҳам кўзда тутилган.

Аҳмаджон РИХСИБОВ,
“Оила ва жамият” муҳбири.

Улуғ алломалар Ватани — Ўзбекистонда етук олим ва олималар фаолият юритишмоқда. Бир қатор илмий асарлар ва кашфиётлар муаллифи, техника фанлари доктори, профессор, академик Анна Ивановна Глушенкова ҳам мамлакатимизда илму фан равнақи йўлида хизмат қилаётган ҳаётлари билан бизга қўмақ берган, — дейди олима.

— Бир инсон тақдирига битилган яхши ва ёмон кунлар менинг ҳам бошимдан ўтган. 1926 йилда Волгоград вилоятида туғилганман. 1936 йил оиламиз билан Ўзбекистонга келдик. Кейинроқ уруш бошланди. Отам Иван Акимович урушга кетди, онам Донна Николаевна оилани боқиш учун қийналди, у ёқдан бу-ёққа югурди. Кенг феъл, меҳмондўст, бағрикенг ўзбек халқи бекиёс меҳр-муҳаббати билан бизга кўмак берган, — дейди олима.

Мақтабда ўқиб юрган кезларидаёқ унинг илмга интилиши жуда кучли эди. Кўп китоб ўқирди. Ҳамма фанларни бирдек ўзлаштириш, маълумотларни билишга қизиқарди. Шу боис бошқа синфларда ўтилаётган дарсларга ҳам кириб ўтирарди. Бир куни устози: “Нега бу дарсга кириб ўтирибсан?” — деб сўрабди. Шунда у: “Бизга дарс ўтаётган пайтин, из ёдингиздан кўтарилган маълумотларни ҳозир айтиб қолсангиз, мен бе-хабар қоламанми?” — деб жавоб берган экан. Умр бўйи илм изла, деган ақидага амал қилиб яшаётган Анна Ивановна ҳалигача ўқиш, ўрганиш ва изланишлардан бир дақиқа ҳам тўхтагани йўқ. Унинг илмга интилиши устозлари астойдил қўллаб-қувватлашарди.

— Отам-онам оддий ишчи бўлишган, — дейди Анна Ивановна. — Гарчи, улар зийли бўлмасалар-да, онам: “Қизим ўқинглар”, — деган сўзни кўп такрорларди. Ўқишимиз учун барча шароитларни яратиб беришарди. Мақтабдан кейин ўз йўналишимни топишни болаликдаёқ ўз олдимга мақсад қилиб қўйгандим. Ўқувчилик пайтимизда қўйилган кичик спектаклда шундай сўзларим бор эди: “Мақтабни битириб университетга топшираман, катта поғоналарга қараб интиланман”. Бу ҳақда ўша вақтдан бошлаб, кўп ўйлаганман. Ва ниҳоят, 1948 йили Ўрта Осиё индустриал институти (ҳозирги Тошкент давлат техника университети) талабасига айландим.


Институтдаги таълим жараёни талабаларни саралайди. Кимдир соҳада фаолият юритса, яна кимдир илмий иш қилади. Анна Глушенкова мамлакатимиздаги ўсимлик ёғлари технологияси ва кимёси соҳасида илмий изланишлар олиб борди. “Пахта ёғи олиниши бир қанча омиллари таҳлили” (“Влияние некоторых факторов на маслячность хлопкового жмыха”) мавзусида номзодлик диссертациясини химоя қилди.

У дастлаб Тошкент политехника институти (ҳозирги Тошкент давлат техника университети) ёғлар технологияси кафедраси доценти, сўнгра кафедра мудираси бўлиб ишлади. 1961 йилдан буён ЎзРФА Ўсимлик моддалари кимёси институтида фаолият юритмоқда. Ўсимлик ёғлари кимёси ва технологиясининг долзарб муаммоларини катта қизиқиш билан

Анна Ивановна Глушенкова 1926 йилда туғилган. 1948 йилда Ўрта Осиё Индустриал институти (ҳозирги Тошкент давлат техника университети) га ўқишга кирган ва уни муваффақиятли тамомлаб, ёғлар кимёси соҳасида илмий изланишлар олиб борган. 1961 йилдан буён ЎзРФА Ўсимлик моддалари кимёси институтида фаолият юритмоқда. Ҳозирда ёғлар кимёси ва технологиясида кенг қўлланилаётган “Тўйинмаганлик сони” деб аталувчи янги кўрсаткични таклиф этишида ҳам фаол иштирок этган.

Илмий изланишлари ва ижтимоий фаолияти ҳукуратимиз томонидан юксак баҳолалиб, “Меҳнат шухрати” медали ва “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби” унвонлари билан тақдирланган.

КИМЁ СЕҲРИГА ОШУФТА



СУРАТДА: техника фанлари доктори, профессор, академик Анна Ивановна Глушенкова (чапдан биринчи) ҳамкасблари билан мулоқотда.

ўрганган. Ҳозирда ёғлар кимёси ва технологиясида кенг қўлланаётган “Тўйинмаганлик сони” деб аталувчи янги кўрсаткични таклиф этишида ҳам фаол иштирок этди.

Анна Ивановна фармацевтика саноати ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшди. “Ҳамкасбларим, шогирдларим билан биргаликда картошка палаги липидлари асосида ярани битказуви “Липазол” воситасини яшлаб чиқдик. Шунингдек, фармацевтика саноати чиқиндиларини ўрганиш жараёнида улардан ажратиб олинган биологик фаол моддалар асосида “Лимончики” ва “Гузаль” шампунларини яратишда ўз ҳиссамни қўшганман”, — дейди олима гурурланиб.

Бу каби кашфиётларга эришгунча жуда катта меҳнат, сабр-тоқат керак. Аёллар, айниқса, илм йўлини танлаган олималар учун икки ҳисса кўпроқ матонат керак. Чунки илм масъулияти билан бирига оилада бекалик, оналик вазифалари ҳам уларнинг зиммасида бўлади.

— Турмуш ўртоғим Валентин Николаевичнинг ҳар доим кўмагини ҳис қиламан. Қизларим Ольга ва Лена ҳам биз каби илм йўлидан кетишган. Болаларим тарбиясига келсак, улардан кўнглим тўқ. Фарзандларим болалигидан китобга меҳр қўйиб ўсишди. Инсонни улғайтирадиган, фикрини теран, мулоҳазаларини асосли қиладиган ҳам китобдир. Қизларимдан бири хорижда яшайди. Уни кўришга отланганимда кўнгирик қилиб: “Юртимиздан нима олиб борай?” — деб сўрайман. Биласизми, у бир сафар “Рўмолим” номли кўшиқнинг дискини ва палов учун зирavorлар олиб боришимни илтимос қилганди. Ўзбекча кўшиқларимиз кўп эши-

тади. Унга Ватанни севиш, уни ардоқлаш каби муқаддас тушунчаларни ўргата олганининг беҳад гурурланаман.

Анна Ивановна бугунги ютуқларининг сабабини энг аввало, мутолаа завқида ва китобга меҳри билан дилигидан деб билади. Ўзи ҳам ўқиган китобларидан илҳомланиб яшайпти. Китобларга суюниб илмий изланишлар олиб борди. Кашфиётлар қилишга эришди. Энг муҳими, элда ардоқли олима мақомига муносиб кўрилди. Ўқув қўлланималар, асарлар яратди. 400 дан ортиқ илмий мақолалар ёзди, 1 нафар фан доктори ва 12 нафар фан номзодига устозлик қилди. Шу билан биргаликда айни вақтда Тошкент кимё-технологиялари институти талабаларига ҳам сабоқ бермоқда. “Жуда кўп инсонлар ва, айниқса, ёшлар билан мулоқотда бўламан. Уларнинг гайрат ва шижоати ҳавасимни келтиради. Улар биздан кўра бахтлироқ ва бойроқдир. Таҳсил учун замонавий мактаблар, керакли жиҳозлар билан таъминланган лаборатория хоналари, илмий тадқиқот институтлари, фанга оид дунё адабиётининг баҳраманд бўлишмоқда. Ўқиш ва ўрганиш учун яратилган бундай шароитлардан фойдаланиб қолиш керак”, — дейди у.

Анна Глушенкованинг илмий ишлари 40 та муаллифлик гувоҳномаси ва патентларда тасдиқланган. Айни пайтда олима ЎзРФА Ўсимлик моддалари кимёси институтида чоп этилиб, АҚШда инглиз тилига таржима қилинадиган “Химия природных соединений” (“Табиий бирикмалар кимёси”) журналининг бош муҳаррир ўринбосари, “Олима” уюшмасининг фаол аъзоси ва бир қатор нуфузли ташкилотларда ҳам ўз ўрнига эга. Салмоқли 2 жилд “Lipids, Lipophilic Components and Essential Oils from Plant Sources” маълумотнома китобининг муаллифларидан бири ва муҳарриридир.

Очиқ чеҳрали, софдил ва самимий бу онахон билан суҳбатлашиш нафақат завқли, балки шарафли ҳамдир. Анна Ивановна Глушенкова шогирдлари ишини кузатаркан: “Улар бизнинг муносиб давомчиларимиз бўлишди ва янада кўпроқ кашфиётлар қилишади”, — дейди ишонч билан.

Қамола АДАШБОЕВА,
“Оила ва жамият” муҳбири.

ОРЗУЛАРИ БАЛАНД “ИСТИҚБОЛ”

Зиммамиздаги вазифалар ичида энг масъулиятлиси — хотин-қизлар, оналар ва болалар, ўсмирларнинг саломатлиги хусусида қайғуришдир. Буни чуқур англаганимиз учун репродуктив саломатлик йўналишида эришаётган натижаларимиз ижобий.

Маҳалла маслаҳатчиси

Ҳар бир оила учун орзиқиб қутилган боланинг туғилиши жуда катта бахт. Жорий йилнинг шу давригача 8385 нафар аҳоли истиқомат қилаётган, 1453 та оиладан иборат маҳалламизда 56 нафар ўғил-қиз дунёга келди. Уларнинг барчаси соғлом.

Бу албатта, маҳалламизга яқин ҳудудда замонавий шароит ва имкониятларга эга тиббиёт масканларининг борлиги, у ерда хизмат қўришга таъинланган тиббиёт ходимларининг катта тажрибага эгаллиги, жонқуярлиги, шунингдек, кўпни кўрган онахонлар, маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда соғлом турмуш тарзига эришиш мақсадида олиб бораётган тушунтириш-тарғибот ишларимизнинг самараси.

Маҳалламиз ахлига тиббий хизмат кўрсатаётган 2-оила поликлиникаси ҳам замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган. Малакали тиббиёт ходимлари томонидан аҳоли, айниқса, ўсмирлар, болалар ва туғиш ёшидаги аёллар йилда икки мартадан мукамал тиббий кўрикдан ўтказиб борилади.

Вақти-вақти билан аҳолининг турли қатламлари, яъни қайноналар, келинлар, қайнота ва куёвлар билан алоҳида-алоҳида тиббий маданият, соғлом турмуш тарзи, юқумли касалликлар, ОИТС ва гиёвандликнинг олдини олиш, тиббий кўрикнинг аҳамияти, тўғри овқатланиш мавзусларида суҳбатлар, савол-жавоб кечалари ва жонли мулоқотлар бўлиб ўтмоқда.

Бунинг натижаси ўлароқ, соғлом набира кўриш борасида шифокорлар тавсиясига амал қиладиган қайноналар сони кўпайди. Бир пайтлар хомилдор аёлларни “Скрининг маркази”-га юбориш осон эмасди. Ҳозир бошқача — қайноналарнинг ўзи келинларини текширувдан ўтказиб келишяпти. Яна кўп қайнона-қайноталар ва никоҳланувчилар тиббий кўрикнинг аҳамиятини чуқур англаб етишди. Улар тиббий кўриксиз, қонуний никоҳсиз турмушга қарши.

Бу бизни қувонтиради, аммо тўй ва бошқа маросимлардаги дабдаба-бозлик, исрофгарчиликка бутунлай барҳам беролганимизча йўқ. Ҳамон баъзи қиз узатган хонадон эгалари йўқлов борасида меъёрни унутиб қўйишяпти. Бундай оилалар билан алоҳида иш олиб боряпмиз. Йигин мутасаддилари, маҳалла фаоллари йўл-йўриги, маслаҳатини назар-писанд этмайдиган баъзи маҳалладошлар билан жиддий суҳбатлар ўтказяпмиз. Умид қиламизки, тез орада бу борада ҳам кўнгилдагидек натижага эришамиз ва маҳалламиз ўз номига муносиб, чин маънода иқболи кулган мўъжаз масканга айланади.

Раънохон АББОСОВА,
Наманган шаҳридаги
«Истиқбол» МФЙ
маслаҳатчиси.

Президентимиз ўз маърузаларидан бирида ўғил-қизларнинг спортга қизиқишини, интилишини ёшлиқдан уйғотиш кўндан-кўн эзгу мақсадларга пойдевор бўлишини ҳаётий мисоллар билан асослаб берган эди. Шу сабабли барча спорт мажмуалари замонавий спорт инвентарлари ва малакали мурабийлар билан таъминланаётгани туфайли ютуқлар қамрови тобора кенгайиб бораётир.

Болалар спорти

Президентимизга, ҳукуматимизга ташаккур изҳор қилдилар.

... Карнай-сурнай садолари ҳамма ёқни тутди. Меҳмонлар иштирокида мажмуанинг рамзий калити топширилиб, тасмалар қирқилди. Юзларда қувонч порлади. Тадбир иштирокчилари мажмуадаги шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар.

— Соғлом бола соғлом инсон бўлиб вояга етади. Руҳи тетик,

ИҚБОЛИ ПОРЛОҚ, ЙЎЛЛАРИ ОҚ...

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ана шундай баркамол авлодни вояга етказишда муҳим ўрин тутмоқда. Жамғарма томонидан ажратилган 2,5 миллиард сўм маблағ эвазига Марғилон шаҳрининг Гўриаввал маҳалласи ҳудудида ҳам янги болалар спорт мажмуаси бунёд этилди. Ушбу замонавий спорт мажмуасининг фойдаланишга топширилгани ҳам ёшлар спортга кўрсатилмаётган чексиз ғамхўрликнинг амалий ифодаси бўлди.

Мажмуанинг очилиш маросими катта байрамга айланаётган кетди. Маросимда сўз олган Фаргона вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Олимжон Аҳмедов, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси директори ўринбосари Сайдулло Нуралиев, Марғилон шаҳар "Нуроний" жамғармаси раиси Турғунбой Нишонов

тани бақувват, фикри тиниқ бўлади, — деди Гўриаввал маҳалла фуқаролар йиғини фаоли Абдусаттор Воҳидов. — Худудимизда мана шундай кўркем ва ҳашаматли мажмуанинг бунёд этилгани, айниқса, биз кексаларнинг орзусидаги иш бўлди. Набираларимизнинг хурсандчилигини кўриб, бизнинг ҳам қувончимиз чексиз.

Бугун болалар спорти объеклари мамлакатимизда ишлаб чиқарилган спорт инвентарлари ва ускуналари билан таъминланаётгани, уларнинг 116 таси ма-



болалар спортга юксак эътибор кўрсатилаётгани, бу ўз навбатида, мурғак қалблар учун илк парвоз майдони вазифини ўтаётганини мамнуният билан ғапирдилар. Болалар саломатлиги бу борадаги ишларнинг энг муҳим босқичига айланганини тўқинлиниб сўзладилар.

Шу кун спорт мажмуасини бунёд этишга қамарбаста бўлган "Фаргона меймор" корхонаси раҳбари Мақсаджон Исақов ҳамда корхонанинг бир гуруҳ қурувчи ва муҳандислари қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. Шунингдек, ўзбек жанг санъати ва бокс бўйича мамлакат чемпиони Хуснидаҳон Собирова, Нуриддин Ёқубжонов сўзга чиқиб, кўрсатилган ғамхўрлик учун ёшлар номидан

ҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилаётгани ҳам диққатга сазовордир. Янги қад ростлаган ушбу мажмуада ҳам болажонлар спортнинг футбол, бокс, волейбол, теннис, стол теннис, баскетбол, енгил атлетика турлари билан шуғулланишлари учун қулай шароитлар яратилди.

Ҳа, бугуннинг болалари шундай бахтли ҳаёт, чексиз рағбат ва имтиёзлар оғушида вояга етмоқдалар. Бу каби спорт мажмуалари, санъат қошоналарининг жамоли эса ҳар бир юртдошимизни ҳаваслантиради. Мақсадлар олға ундайверади. Бу мақсадлар эса истиқлол меҳри туфайли ўз рўйини топаверади.

**Мадаминжон СОЛИЖОНОВ,
Абдуҳаким РАҲМОНОВ
олган сурат.**

ЭНЕРГЕТИКЛАР СУЛОЛАСИ

Замондошларимиз

...Ўшанда 1983 йилнинг кузи эди. Эндигина 24 ёшга кирган Қулсаҳатни акаси Тиловоқбил Бердиқулов ўзи ишлайдиган Талимаржон юқори кучлинишли электр тармоқлари корхонасига бошлаб борди. Амударёдан 132 метр баландликдаги Қаршибош каналига сув чиқариб берадиган қудратли насос станцияларига энергия етказиб берувчи юқори кучлинишли подстанцияларга у ҳавас билан боқаркан, акасига юзланди:

— Бу улкан электр узатиш станцияларни кўриб, касбингизга қизиқишим ортди.

— Кўраяпсанми, ука, инсон куч-қудрати нималарга қодир. Асрлар бўйи бир ҳовуч сувга ташна бўлган чўл чекинапти. Янги ўзлаштирилаётган ерларга сув чиқарилиб, боғу бўстонга айланяпти. Бу ерда сенга ўхшаган ёшлар керак. Агар кўнглинг ураётган бўлса, тортинмай айт.

— Майли, ишлаганим бўлсин!

— Мени қувонтирдиган, Қулсаҳат. Бу ерда турли миллат вакиллари бир танбир жон бўлиб ишляпти. Улар билан ака-укадек бўлиб кетасан, ҳали.

Мана шу воқеага ҳам 32 йил бўлибди. Талимаржон шаҳридаги касб-хунаар коллежи (ўшанда ўрта-маҳсус билим юрти деб юритиларди)нинг энергетика бўлимини тугаллаган Қулсаҳатнинг биринчи устози — акаси Тиловоқбил. Билмаганларини ундан сўраб ўрганди. Тўрт йил шу корхонада ишлаб тажриба орттиргач, Нишон туман электр тармоқлари Талимаржон бўлимида ишни электр монтаж сифатида давом эттирди. Ишдаги бир неча мураккабликларни енгиб ўтишга тўғри келди. Айниқса, тунги навбатчилик пайтида тасодифан узилиб кетган электр линияларни сошлаб, аҳолига электр энергияси етказиб беришни яхши урдалади.

— Икки касб эгаси хатоликка йўл қўймаглиги

керак. Бири сапёр, бири монтажёр. Электр энергияси билан ишляётган кишининг фикру зикри фақат ишга қаратилган бўлиши, у ҳеч қачон чалғимаслиги керак, — деб бот-бот таъкидларди акам, — дейди Қулсаҳат ака. — Энг асосий вазифа — техника хавфсизлигига қатъий риоя қилиш. Борди-ю, бирор хатоликка йўл қўйилса...



Шу қоидага қатъий амал қилган Қулсаҳат Мамаюсов мана бир неча йилдирки, ўз касбини эъозлаб келаяпти.

— Мамаюсовлар оиласи шахримиздаги энг намунали оилалардан бири сифатида эътироф этиб келинади, — дейди Талимаржон шаҳар ҳокими Ибрагим Қаршиев.

— Обод маҳалласида истиқомат қилаётган бу оиланинг бир неча аъзолари ота-боболари ишлаган энергетика касбини давом эттиришмоқда. Ана шундай камтарин, кўпларга намуна бўладиган инсонлар билан фахрланамиз.

Дарҳақиқат, Мамаюсовлар оиласини чин маънода энергетиклар сулоласи дейиш мумкин. Акаси Нурмамат Қарши бош канали ва насос станцияларида бир неча йил бош энергетик бўлиб ишлаган, эндиликда пенсияда. Айни пайтда, жиянлари Анвар ва Алибек ҳам энергетика соҳасида самарали ишлямоқда. Раҳматли турмуш ўртоғи Холбиби Бобомуродова ҳам бир неча йил шу соҳада фаолият юритиб, Қулсаҳат ака билан уч нафар фарзандни тарбиялаб

вояга етказди. Бири-биридан ақлли, кенг фикрлайдиган, илмга чанқоқ ўғиллари отасига суянч. Тўнғичи Умиджон сулола изидан бориб, айни пайтда Нишон подстанция хизмати Талимаржон юқори кучлиниш тармоғида хизмат қилаяпти. Фарзандлари Озодбек ва Тўлқин ҳам жамиятимизнинг фаол аъзолари.

...Телефоннинг устмас-уст жиринглаши Қулсаҳат акани бироз сергаклантирди. Секин гўшақни кўтарди. Таниш овоз.

— Сизни "Ўзбекистон энергетикаси фахрийси" кўкрак нишони билан тақдирланганлигиниз барча мизни қувонтирди. Мукофот муборак бўлсин, табриқлаймиз! Бу ҳақда акангиз Тиломурод акага ҳам хабар бердик.

Бу — Қашқадарё худудий электр тармоқлари хавфсизлик техникаси назорат бўлими бошлиғи Кўчқор Жўраевнинг жарангдор овози эди.

Хушxabарнинг қаноти бор, дейишади. Бу янгилик нафақат Нишон, Талимаржонда, балки воҳа бўйлаб тез тарқалди. Қулсаҳат Мамаюсовни яқинлари, дўстлари, ҳамкасблари, шогирдлари муборакбод этишди. Соҳада самарали меҳнат қилиб обрў-эътибор топган камтарин инсон учун бундан ортиқ бахт бўлмас керак. Унинг Икром Эсенов, Абдусамад Турсунов, Холикул Жумаев сингари шогирдлари юрт равнақи учун хизмат қилишмоқда.

**Шавкат СУЛТОНОВ,
журналист.
Қашқадарё вилояти.**

ҚОМУСИМИЗ — БАХТИМИЗ

Шахрисабз Агрисаноат касб-хунаар коллежида ўтказилган тадбир "Қомусимиз — бахтимиз" деб аталди. Уни коллеж директори Пўлат Эшмуродов очиб, барчани Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун билан табриклади.

Тадбирда ўқувчиларнинг Конституция моддалари акс этган бадиий чиқиши намойиш қилинди. Унга ҳамоҳанг тарзда ту-



ман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамда коллеж талабалари ижросидаги куй-қўшиқлар дарага файз киритди.

— Коллежимизнинг кўп сонли жамоаси номидан барча юртдошларимизни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун билан муборакбод этамиз, — дейди кафедра мудири Холмурод Жабборов. — Илм

масканида 1000 нафардан зиёд ўқувчи 10 йўналиш бўйича таълим-тарбия олишмоқда. Уларнинг келажигини қуришда, албатта, бош Қомусимизнинг катта ўрни бор.

Тадбир давомида ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимлари интеллектуал ўйинлар асосида аниқланиб, фаол иштирокчилар тақдирланди.

Нурбек СУЛТОНОВ.

Реклама ўрнида

Мулдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва тасарруф этади. Мулдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.

*Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси, 54-модда.*

НАМУНАВИЙ УЙЛАР — ЮРТ КЎРКИ

Бугун республикамизнинг қай бир гўшасига борманг, ободлик, бунёдкорликнинг гувоҳи бўласиз. Айниқса, шаҳар ва қишлоқларимизда

га кўз тегмасин, дориламон кунларга етказганига шукр!

Наманган туманининг "Орзу" маҳалла фуқаролар йиғини энг ёш ўзини ўзи бошқариш органларидан бири. Чунки маҳалла худудидаги барча хонадонлар намунавий лойиҳа асосида қурилган уйлардан иборат. Шу кунгача бу ерда 400 га яқин турар жойлар қуриб битказилди.

— Айни пайтда, кўчалар, ҳовлилар атрофлари ободонлаштирилмоқда, — дейди **МФЙ раиси Мойирахон Тошхўжаева**. — Яқин кунларда уйлар-



бунёд этилаётган намунавий лойиҳадаги уйлар юртимиз кўркига ўзгача кўрк бағишлармоқда.

Норин туманидаги Юқори чўжа маҳалласида ҳам жорий йилда ўттизга яқин ана шундай уйларда ҳовли тўйлари ўтказилди. Шинам, кенг, ҳар жиҳатдан қулай бу турар жойлар барчага манзур бўлмоқда.

Саксон ёшни қаршилаган Жакбарали ота Мақсудовга ҳам янги уйларда яшаш бахти насиб этди.

— Фарзандларим имтиёзли кредит ҳисобидан шундай чиройли, замонавий уйга эга бўлишди, — дейди отахон. — Юртбошимизга мингдан минг раҳмат. Чунки Ватанимиз тинчлиги, ҳаётимиз фаровонлиги, фарзандларимизнинг ёруғ келажагига бўлган ишончимиз замирида у кишининг оқилона ва одилона сисенати ётибди. Озодлигимиз-



нинг барчаси фойдаланишга топширилади. Биз ҳам оиламиз билан шундай уй-жойга эга бўлдик. Бундан қувончимиз чексиз. Маҳалламиз бежиз "Орзу" деб аталмаган, бу масканда ҳар бир инсон орзусидаги шарт-шароитлар муҳайё. Бу каби обод манзиллар янада кўпаяверсин.

Ш. ТОШБЕКОВА.
Машрабжон ҚОСИМОВ
олган суратлар.

Олис-олис манзилларда, чанг ва лой кўчаларда қолиб кетган болалик хотираларимда бир овоз мени доим ўзига чорлайверади. Бувим ҳар гал исимини айтиб чорлаганида ўзгача бир меҳри хис этардим. Унинг нигоҳларида самимийлик, ҳақиқий ўзбекона нафосат, сабр ва муҳаббат акс этиб турарди. Қашқадарё вилояти Нишон туманида умргузаронлик қилган ғамхўр бувижоним Хайринисо ая не синовларни бошдан кечирган бўлсалар-да заррача хуноб бўлмас, ҳамиша ҳаётларидан мамнун яшардилар.

Биз — бир этак неваралар

бодом шохлари ўз гуллари-нинг бўйини кўтара олмай, ерга эгилиб қоларди. Барака унган бу хонадондан меҳмон қадами узилмас, бувим эса келганларнинг халтасини боғ неъматларига тўлдириб жўнатарди. Бизлар учун бувимникига бориш байрамдек гап эди. Сут-қатик, қаймоқ сероб... Меҳнатсевар, саховатпеша бувим уларни меҳр билан оғзимизга тутар, агар бормай қолсак, биз учун илиниб ўтирарди.

Бугун эса... раҳматли бувимнинг кўнғироқдек овозлари жаранлаган ҳовлида ўша файз йўқдек. Бодомлар ҳам

СИЗНИ СОҒИНДИК, МОМОЖОН!


уларнинг одил ва маъноли насихатларидан ўзимизга хулоса чиқариб улғайдик, тарбияландик. Меҳнатсеварликнинг замирида улкан мукофот яширинганини бизга илк бор бувим ўқирган. Ўзлари эса сира тиниб-тинчимасди. Ўз ташвишлари етмагандек, кўни-қўшнилари, қариндош-уруғ ва маҳалла-кўйнинг муаммоларига ҳам ечим топишга уринар, ёрдам сўраб келганларга сира рад жавобини бермасди.

Бувимдан инсонларни эъозлашни, қадрлашни ўргандик. У киши ҳеч кимни ёмонлаганини эслолмайман. Гийбатдан узоқ, кўнгли самимиятга тўлиб яшарди.

Кўли меҳнатдан тинмасча ҳам "чарчадим", деганини эшитмаганимиз. Лекин нега ўшанда: "Бувижон, келинг, ўтиринг, биз ўзимиз қиламиз шу ишларни", демабмиз-а... Қанд касаллиги уларга куну тун азоб берарди. Қийналаётганини ҳис этардик, на илож, дардларига малҳам бўла олмадик... Бора-бора бу хасталик кўзларидан нурни ҳам олиб қўйди. Аммо "Қийналяпман, бу оғир дард экан", демади.

Ҳаётлик чоғларида ҳовлисини гуллар, райҳону жамбиллар ифори тутиб турар эди. Ҳар баҳор олма дарахти қийғос гуллаганида моможонимнинг уйи ўзгача файзга бурканарди. Тераклари осмонга қўл чўзиб шивирлар,

қартайиб қолгандай гўё. Олма дарахтлари ҳосил бермай қўйди. Худди ўша жойга экилган райҳонлар ҳам аввалгидек бўй таратмаётгандек. Меҳрибонимни ҳар кун ийқлаб келадиган меҳмон-



лардан ҳам дарак йўқ. Гўё бувижоним ҳамма-ҳаммасини ўзлари билан олиб кетгандек. Эвазига бизларга охири йўқ соғинчни ташлаб кетди. Тоғаларим, мунис холаларим ҳамда онамнинг кўзлари ёшли... Балким ҳаётда ҳали аччиқ-чучукнинг нималигини билмасман, аммо бу қанчалар оғир йўқотиш эканини иччимдан ҳис қиламан. Бобожоним, бувижоним юрган изларга термулиб қолдилар...

Ҳали бирор неварасининг тўй-томошасини кўрмаган бувижоним қаршимга пешвоз чиқиб, мени бағрига босмаслигидан азобланаман. Олти йилдирки, ўзим соғинган инсоннинг ширин овозини қаттиқ қўмсайман, бир оғиз ширингина лутфига муштоқ-

Хотира саодати

ман. Бир бора қараб, жилайишларига интизорман. Хидларига тўйини десам, бир вақтлар бизларникига ўраб келиб, унутиб қолдирган рўмолларидан ҳам бувижоним ифорларини йиллар ўғирлабди...


Дугоналарим норози оҳангда: "Момом менга рўмол олиб келибди, шуни ўрардимим?" — дейишса иччимдан тўкилиб кетаман. Шу асно уларга ҳавас қиламан. Қанийди, уларнинг ўрнида мен бўлганимда эди, бувижонимнинг қучоғига сингиб кетмасдим.

Бу йил ўша сеҳрли хонадонда бувим интиқ кутган ёр-ёр овози янгради. Тоғам тўнғич қизларини узатди. Қуз ҳам жуда саховатли келди. Боғдаги неъматлар дастурхонни тўлдирди. Кузнинг салқин ҳароратидан тебранган дарахтларга термилиб амин бўлдимки, уларнинг ёркин ёди, айтган ўғитлари мудом биз билан бирга эканлар...

Қариндошлар жам бўлиб бувижонимни ёруғ хотиралар билан эслашди. Ҳақларига дуолар ўқишди. Бир чеккада жимгина ўтирган бобом ўринларидан кўзгалган пайт чўнтакларидан бир нарсани тушиб кетди. Бу, кейин билсак, бир замоналар бувижоним ишлатган, қайчи тегмаган сочларини силаган тароқ экан...

Мен навқирон 21 ёшдаман. Катта бир йўқотиш изтиробларини бошимдан кечиряпман. Фариштасифат бобо-момоларимиз аслида, ҳаёт қозонида қайнаган ибратли, донишманд устозларимиз эканлигини улар ҳаётлик маҳали англаб етмаймиз. Азизлар, яқинларингизнинг меҳру муҳаббатини улар ҳаёт бўлган маҳалда қадрланг, кўнглини оғритманг, ёнида бўлинг, дуосини олинг. Уларнинг бобо кўёш янглиғ меҳру муҳаббати ўрнини ҳеч нарса боса олмас экан...

Зарина ҒАҒҒОРОВА.
Тошкент шаҳри,
Яшнобод тумани.



ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ «ЖАНУБГАЗТАЪМИНОТ» УК «Нишонтумангаз» филиали жамоаси

Бош Қомусимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси байрами билан барча юртдошларимизни қутлайди!

Халқимизнинг бирдамлигига, тинч-тотув, фаровон турмушимизга кўз тегмасин! Осмонимиз ҳаммиша мусаффо бўлсин!

Реклама

«Нишонтумангаз» филиали жамоаси, бошланғич касаба уюшма кўмитаси.

Бекзод Тўрабоев 1984 йилда Сурхондарё вилоятида туғилган. Кураш бўйича 2008 йил Жанубий Кореяда, 2011 йил Кримда ўтказилган халқаро турнирлар ҳамда 2013 йил Ҳаким ат-Термизий халқаро хотира турнири (81 кг. вазнда) голиби. Парижда ташкил этилган Ислон Каримов халқаро анъанавий турнирида ва Эронда ўтказилган Осиё чемпионатида 3-ўринларни эгаллаган. Дзюдо бўйича 2011 йил Россиянинг Оренбург шаҳрида ўтган Европа Кубогида, Туркиянинг Истанбул шаҳри мезбонлик қилган халқаро турнирда, 2012 йил Монголия ва Хитойда ўтказилган Гран-при мусобақаларида иштирок этиб, бир қатор ютуқларни қўлга киритган.

СУРХОН ПОЛВОНЛАР ЮРТИГА АЙЛАНДИ


— дейди халқаро тоифадаги спорт устаси, Сурхондарё вилояти дзюдо федерацияси раиси Бекзод Тўрабоев

— Биламизки, азалдан Сурхондарё ва Қашқадарё воҳаси халқининг қонида полвонлик шиддати бор. Сухбатимиз аввалида кўнглингизда спортга ҳавас уйғотган омиллари эсга олсак.

— Эсимни танибманки, кураш ва дзюдо билан ошноман. Отам Саид ака Тўрабоев машҳур полвон Сафар Қосимовга шогирдликка берганида ҳали жуда ёш бола эдим. Лекин курашга иштиёқим жуда кучли бўлган. Мураббийимми, ёки таниш-билишларимизми, беллашувларимни кўриб: "Полвонлик қонида бор-да. Бўлмаса бунчалик курашга иштиёқ қаердан?", деса ич-ичимдан гурурланиб кетардим. Отам ҳақида гап кетса: "Саид ака бир пайтлари Сурхону Қашқа воҳасидаги тўй курашларида ҳайқириб олишган ва давраларнинг зўри бўлиб, элнинг олди, номдор ва орли полвон бўлган", дейишади. У самбо бўйича (62 кг. вазнда) бир неча бор мамлакат чемпионлигига эришган. Собиқ иттифок даврида терма жамоа сафида Ҳамид Тошхўжаев устозлигида халқаро мусобақаларда совринларни қўлга киритган. Бобом Муҳаммадқул полвон эса улоқ-кўпқарида кучли қавагон — улоқчи бўлиб, от чоптириб ўтганини кўпчилик кекса полвонлар ҳалиям фахрланиб эслашади. Отам ва бобомдек полвон бўлиш иштиёқида ўқувчилик пайтларимдаёқ кураш ва дзюдо сирларини пухта ўрганишга га интилдим. Устозим ўргатган усулларни ўн, юз марталаб такрорлашдан чарчамадим. Кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясида ўқишни давом эттирганимда ҳам спорт билан ҳамнафас бўлдим. Мазкур таълим даргоҳида устозим — самбо бўйича жаҳон чемпиони Ақобир Қурбоновдан самбо, дзюдо сирларини янаям мукамал ўрганишга муваффақ бўлдим. Академияда ташкил этилган биринчиликларда, Ўзбекистон чемпионатларида иштирок этдим. Мураббий ва мутахассис-

лар эътиборига тушдим ва аввал кураш бўйича, кейин дзюдо бўйича мамлакат терма жамоалари сафига қабул қилиндим. Халқаро мусобақаларга йўл очилгач, болалик кезларимда дилмига туккан ниятларим амалга оша бошлади. Машгулотлар жараёнидаги меҳнатларим бесамар кетмади.

орттиришга ҳаракат қилаяпмиз. Пойтахтимиздан маҳоратли мутахассисларни жалб этиб, семинар ва давра суҳбатлари ўтказаяпмиз. Дунёга доғруғ таратган машҳур полвонларимиз — Абдулла Тангриев, Яхё Имомов, Ришод Собиров, Шарофиддин Лутфуллаев, Рамзиддин Саидов иштирокида маҳорат дарсларини



— Бугунги кунда Сурхондарё вилоятида дзюдо нин ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган ишлар хусусида тўхталиб ўтсангиз.

— Вилоятимизда ҳам ҳавас қилса арзийдиган спорт иншоотлари қад кўтарди ва ёшларнинг истоган спорт тури билан шуғулланишлари учун барча шарт-шароитлар яратилди. Айни пайтда вилоятда уч мингдан зиёд ёшлар дзюдо билан шуғулланмоқда. Ўзбекистон дзюдо федерациясининг вилоят бўлимида мазкур спорт турини янада оммалаштириш ва иқтидорли спортчиларни танлаб олиш мақсадида бир қатор ишларни амалга ошириб келаяпмиз. 2013 йилда вилоят биринчилиги мусобақасини ташкил этдик ва дзюдога иқтидорли, иштиёқли кучли полвонларни саралаб, Термиздаги "Ал-помош" кураш мажмуасида машгулотларни бошлаб юбордик. Белгиланган режага мувофиқ Тошкент шаҳрида ўқув-машгулот йиғинларида қатнашиб, тажриба

ташкил этиляпмиз. Бу борада, айниқса, Термиз шаҳри, Денов, Жарқўрғон, Шўрчи, Ангор, Шеробод каби туманлар ёшларининг бу спорт турига қизиқиши жуда юқори.

— Вилоят терма жамоасини шакллантиришда тажрибали мураббийларнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Бу борада қандай ишларни амалга ошираяпсизлар?

— Руслан Абраев, Собир Пардаев, Умид Жўраев, Ўрол Ортиқов, Руслан Холмуродов, Манзура Турсунова каби кўп йиллик тажрибага эга малакали мураббийларимизнинг меҳнатини алоҳида таъкидлашни истардим. Машгулотлар баъзасига келсак, шаҳримиздаги "Алпомош" кураш мажмуасида ҳамда вилоят дзюдо марказида спортчиларимизнинг эмин-эркин шуғулланишлари учун етарлича шароитлар яратилган. Вилоятимиз 2014 йилнинг ноябрь ойида илк бор Ўзбекистон кубоги баҳсларига, 2015 йилнинг март ойида олий ўқув юртиларига имти-

Гурунг

ёзли кириш ҳуқуқини берадиган Ўзбекистон чемпионати мезбонлик қилди. Бундан ташқари ҳамюртимиз, афсонавий чемпион, спорт устаси Тоҳир Дурдиев хотирасига бағишлаб икки бор республика очик турнирини ташкил этдик. Мазкур мусобақаларга ташриф буюрган спортчилар, мураббий ва ҳакамларнинг деярли барчаси беллашувларнинг юқори савияда, кўтаринки руҳда ўтганидан мамнунлигини айтишганида, амалга оширилаётган ишларимиз бесамар кетмаётганига шукр қиламиз.

— Вилоят дзюдочиларининг Ўзбекистон чемпионатлари ва халқаро мусобақалардаги натижалари ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Яқунланаётган спорт мавсуми полвонларимиз учун ҳам омадли бўлди. Сабаби, Польшанинг Варшава, Венгриянинг Будапешт, Марокашнинг Марокаш, Беларусунинг Минск, Кувейтнинг Кувейт, Грузиянинг Тбилиси, Қозоғистоннинг Қарағанда шаҳарларида, шунингдек, Тошкент шаҳри, Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида ўтган халқаро мусобақаларда Шарофиддин Лутфуллаев, Ҳикматулло Тўраев, Абдулла Тангриев, Яхё Имомов каби спортчиларимиз бир неча бор олтин, кумуш ва бронза медалларига сазовор бўлиб, юртимиз байроғини баланд кўтаришга ўз ҳиссаларини қўшишди.

Айниқса, Ш. Лутфуллаевнинг кўрсаткичлари таҳсинга лойиқ. У яқин бир ой ичида Франциянинг Париж шаҳрида ўтган Катта дубулга беллашувига ҳамда Хитойд ташкил этилган Гран при турнирида бронза медалларига эга бўлди. 2013-2015 йиллар давомида Ўзбекистон чемпионати ва турнирларида Шаҳзод Нормоқбилов, Шаҳзод Усмонов, Ромиш Раҳматов, Озод Элбеков, Шоҳиста Сафарова, Авазхон Таймуродов, Абдулла Холёров каби ўнлаб ёш ва умидли спортчиларимиз кучли учликдан жой олишди. Абдулла Тангриев, Яхё Имомов, Шарофиддин Лутфуллаев, Ҳикматулло Тўраев, Шаҳбоз Нурматов, Шоҳиста Сафарова, Шодия Тавашарова, Шаҳноза Оқбўтаева, Гузал Эгамова, Зарнигор Одилова каби спортчиларимиз мамлакат терма жамоаси сафида халқаро мусобақаларда муносиб иштирок этиб келишмоқда.

Бугунги саъй-ҳаракатларимиз — ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, спортни кенг тарғиб этиш билан бирга вилоятимиз дзюдочилари орасидан Олимпиада ўйинлари голибларини тарбиялашга қаратилган.

“Оила ва жамият”
муҳбири
Илҳом РАҲМОНОВ
суҳбатлашди.



МЎР-МАЛАХДАЙ — кумурсқа маъносидаги “мўр” ва чигиртка маъносидаги “малах” сўзларининг бирикувидан ҳосил бўлган. Ёпирилиб келиш “мўр-малахдай” деб ифодаланади.

Котловандан чиққан янги нам тупроқ тоғдай бўлиб туррибди, атрофида мўр-малахдай одам.

Асқад Мухтор

МЎЪТАДИЛ — совуқ ҳам эмас, иссиқ ҳам эмас, ўртача. Умуман меъёрида маъносини англатган “мўътадил” сўзининг туб илдизи аслида, “қадди қомати келишган”, “расо” мазмунини билдирган.

Сунбула ойининг мўътадил ҳавосига қарамасдан, Зайнаб маржон-маржон терлаган эди.

Абдулла Қодирий

ШОФЁР — асли французчадан кириб келган бўлиб, унинг туб маъноси “ўтёқар”, “гўлаҳ”. Кейинчалик бу сўз автомобиль ҳайдовчисига нисбатан қўллана бошлаган.

Шофёр адир йўлидаги ўнқир-чўнқирларни кўздан қочирмаслик учун рулга кўкрагини берган ҳолатда диққат билан йўлга қараб борарди.

Журналдан

КУНЖ — “бурчак”, “чекка”, “ички” маъноларини англатади. Бу сўзнинг “кунжак” шакли ҳам бор.

Неки дард бор, неки кулфат бу жаҳоннинг кунжида, Мен бўлай юз минг гирифтор, лек маҳваш бўлмасин.

Эркин Воҳидов

Ер, томлардаги оппоқ қор живирлайди, кунжакларга ва девор тағларига бўралаб урган қор саҳндан кўкрак баравар кўтарилган.

Ҳабиб Нуъмон

Эшқобил ШУКУР тайёрлади.

ХАТОНИ ЎЗИМИЗДАН ИЗЛАЙЛИК

Акс-садо

Газетанинг 47-сонида чоп этилган “Кизнинг кадри...” мақоласини ўқиб, анча ўйга толдим. Боиси, кўтарилган масала ниҳоятда долзарб. Тарбия жуда мураккаб жараён. Унинг натижаси бир кун ёки бир ойда яққол кўриниб қолавермайди. Демак, мақолада кўтарилган муаммо кеча юзага келган эмас.

Бобо-момоларимиз азалдан фарзандларига “Катталарни хурмат қил, андишалик бўл”, “Бетгачопарлик қилма”, деб панду-насихат қилишган. Ахир, яқин-яқинларда ҳам боболаримиз чойхоналарда, кўча-кўйларда тарбияга зид хатти-ҳаракатларга дуч келишса, танбех беришган, тўғри йўлга бошловчи даъватлар қилмаганмиди?..

Кейинги пайтда-чи? Яқинда ногаҳон икки қизнинг бир-бири билан сўкишаётганига гувоҳ бўлдик ва ўша заҳоти танбех бердик. Қайда, иккаласи ҳам беларволик билан қўл силтаб кетишди. Тасаввур қилинг, ўша кизлар вақти соати етгач, қайсидир хонадонга келин

бўлади-ку! Бу аҳволда у қайнота, қайнона, қайнака ва қайнсингиллар билан қандай тил топиб кетаркин? Ёки ўзининг кўз очиб кўрган умр йўлдошига ширинсўз, хушмуомалалик қила оладими? Ана шундай оғриқли саволлар мени қийнайди.

Ноаҳил оилалар, ажралишлар сабаблари таҳлил



этилганда, кўвлар кўпроқ келинлар ҳақида: “Бунинг тили ёмон, доим қопиб гапирди”, деганини кўп бора эшитганмиз. Аслида тил, фикрлаш тарзи, маданият белгиси, маънавиятнинг бир кўринишидир. Кўнглимиз, қалбимиз тилда, сўзларимизда акс этади. Шундай экан фарзандларимизга ёшлигиданоқ ақл билан

ҳаёли сўзларни ўргатиш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир. У қўни-қўшнингизимиз, маҳалладошингизимиз, барибир, панду насихат қилмоқ, бу — меҳр-оқибат, самимият, инсонийлик нишонасидир. Баъзан бундай нохуш ҳолатларни катта ёшдаги аёлларда ҳам учраётганига не дейсиз?

Бир психолог шундай деган эди: “Фикримча, ҳар бир киши ўзига бошқа бировнинг назари билан қарай олиши керак. Шунда у ҳалимлик билан дағаллик ўртасида тафовутни яхшироқ англаб етади. Чунки, кўполлик бошқаларга дағал муносабатда бўлиш ўша кишини ўзгалар кўзига хунук, совук, тарбиясиз қилиб кўрсатади”. Шундай экан, ҳар биримиз ўз-ўзимизга: “Одамлар билан муомала қилишни биламанми?”, — деган саволни бериб турсак, фойдадан холи бўлмайди.

Маликаҳон ПОЗИЛЖОНОВА, Андижон Давлат тиббиёт институти ўқитувчиси.

БИР ҲОВУЧ ДУР

Яхши қилиқ оқ сут билан кирса, Ўлим келиб тутмагунча ўзгармайди.

Юсуф Хос Ҳожиб

Мунофиқликнинг белгиси учтадир: ёлғон сўзлаш, ваъдасининг устидан чиқмаслик ва омонатга хиёнат қилиш.

Ҳадис

ЮРАҚДА ЭЗГУЛИК ЯШАСИН

Кўп бора кузатяпмиз: бугунги кунда намойиш этилаётган фильмларда асосан, яхшилик ва ёвузлик ғояси — бош мавзу. Кўпинча, худди эртақлар каби яхшилик ёмонлик устидан галаба қозонади. Аслида, ҳар бир фильм бу — ҳаётий мисоллар ва воқеалардан иборат эканини ҳаммамиз яхши биламиз.

Бугун ахборот курашида тенгдошларимизнинг баъзиларини интернет ўз қуршовига олиб, турли ёвузликларга ундаётгани ҳам сир эмас. Давр тугаши биланок ўртоқларимнинг компьютер хоналарига югуриб кетишидан, бу техника уларни “манкуртлик” сари етаклаётганидан ҳайратланаман. Бувижонларимизнинг эртақлари ўрнини планшет ва комьютердаги курашли, ёвуз ўйинлар эгаллаб олгандек, гўё. Буни қарангки, мурғаккина гўдак ҳам бугун она алласидан эмас, балки мобил телефонлари орқали янграётган таронадан ором олаётганига не дейсиз? Жажжи болакай улғайгани сари катталар, бу мумкин, бу эса мумкин эмас, буни қилма, каби чекловлар билан яхши ва ёмонни тушунтириб боради. Мактабда эса устозимизнинг берган ҳар бир сабоғида яхши-

лик ва ёмонлик ғоялари акс этади. Хўш, шундай экан, нега баъзи ёшлар турли экстремистик оқимлар ҳамда одам савдоси каби жирканч жинойтларга аралашиб қолаётир? Бу каби иллатларни келтириб чиқараётган сабаблар таҳлил этилаётганда биринчи навбатда интернет оқимидан келаётган ёлғон-яшиқ ахборотларга кўр-кўрона эргашиб ва оилавий муҳитнинг носоғломлиги жиддий таъсир кўрсатаётганлиги ошкор бўлмоқда.

Биламизки, яхшилик ва ёмонлик доимо ёнма-ён. Қалби тоза инсонлар ҳеч қачон ёт ёвуз ғояларга берилмайди. Зеро, юртимизда биз ёшларга давлатимиз томонидан фаровон яшашимиз, яхши таълим-тарбия олишимиз, бошқа ўлкалар фарзандларидан кам бўлмаган имкониятлар яратиб қўйилган бир пайтда, бизнинг энг олий мақсадимиз шу озод ва обод Ватанимизга муносиб фарзанд сифатида фидойилик намуналарини кўрсатиб, садоқат билан хизмат қилиш бўлмоғи керак.

Барфина ВАЛИКУЛОВА, Термиз шаҳридаги 3-мактабнинг 9-синф ўқувчиси.

ТОШКЕНТДАГИ

“BEST ROYAL INTERNATIONAL”

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН
ЖАМИЯТ ШАКЛИДАГИ
ХОРИЖИЙ КОРХОНАСИ



8 декабрь — Ўзбекистон
Республикаси
Конституцияси
байрами билан
халқимизни самимий
муборакбод этади!



Юрtdошларимизнинг энг катта оғзулари Бош Қомусимиз билан ҳамоҳандир. Бугунги тинч, осуда, фаровон ширмушимиз унинг меvasидир.

Бу тинчлик ва барқарорлик абадий бўлсин!

Маҳсулотлар сертификатланган

РЕКЛАМА

РЕКЛАМА

АНДРОЛОГИЯ ТИББИЁТ-ДИАГНОСТИКА МАРКАЗИ

куйидаги йўналишлар бўйича соғлигингизни тезда тиклашга ёрдам беради:

АЁЛЛАР САЛОМАТЛИГИ (гинекология хизмати) — Турли яллиғланиш хасталиқларини аниқлаш ва даволаш; аёллар гормонал касаллиқларини аниқлаш ва даволаш; аёллар бепуштлигини аниқлаш ва даволаш; ёшга нисбатан бўлиши мумкин хасталиқларни аниқлаш; ҳомиладорликни аниқлаш.

ЭРКАКЛАР САЛОМАТЛИГИ (уролог-андролог хизмати) — Жинсий аъзолардаги яллиғланиш касаллиқларини

аниқлаш; эркаклар саломатлигига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва даволаш; эркаклар бепуштлигининг сабабларини аниқлаш ва даволаш; ёшга доир гормонал касаллиқларини аниқлаш ва даволаш.

ТУРЛИ ЛАБОРАТОРИЯ ТАҲЛИЛЛАРИ — қондаги биохимик таҳлиллар (Алт, Аст, билурубин, холестерин ва бошқалар), гормонлар таҳлиллар, ўсма касаллиқларини аниқлаш таҳлили; вирусли гепатит касаллиқларини аниқлаш.

УЛЬТРАТОВУШ ТЕКШИРУВИ ВА ДОПЛЕРОГРАФИЯСИ (УЗИ).

Манзил: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Фозилтепа кўчаси, 14-мавзе, 28-уй. Тел: (+99871) 275-82-73.

Хизматлар лицензияланган

ЭЪЛОН!

Тошкент вилояти Қибрай тумани Саъдулло ота жоме масжидининг № 252 гувоҳномаси топилганлигини маълум қиламиз.

ТАРИХ БИЛАН ТИЛЛАШГАН ТИЛСИМ

Шундай музейлар борки, уларни чин маънода "очиқ осмон остидаги музей"лар дейиш мумкин. Масалан, дунёнинг етти мўъжизаларидан бири Миср пирамидалари шулар жумласидан.


Шу маънода бизнинг юртимизда ҳам дунё олимлари томонидан чуқур ўрганилиб, тарих зарварларига муҳрланган топилмалар бор. Юз ёки минг йиллар эмас, эра-миздан аввалги даврларнинг ўзида ифода этган манзилгоҳларнинг топилиши, азалдан юртимизда одамларнинг яшаб келаётганини билдиради.

Навоий вилоятида жойлашган Сармишсой петроглифлари ҳамда Учтут маъдалар кони, Кармана шаҳридан 30-35 км. узоқликда жойлашган Сармишсой дараси кишини узоқ тарихга етаклайди. Кизил ва оқ қоялардаги сирли тасвирлар кўҳна даврлар воқеаларини сўзлаб беради. Масалан, ёввойи ҳайвонларни қўлга ўргатиш жараёни инсонлар қиёфасида, турли чизиқлар воситасида ифодаланган. Бу эса қадимда одамларнинг табиатга уйғунлашиб, эҳтиёж натижасида бир вақтлар ёввойи ҳайвонларни хонақилиштириб, турли маҳсулотлар олишга бўлган талабни ҳам ифода этади. Ёки, иш жараёнларнинг тасвирида яшаш шароитининг ажралмас қисми бўлган меҳнат билан шугулланиш, асосан, қўл меҳнати ёрдамида экин экиш, маҳсулотларни тайёрлаш каби расмлар келтирилган. Турли маросимлар акс эттирилган суратларда инсониятнинг динга муносабати, табиат ҳодисалардан қўрқиш, ҳаёт ва ўлим ҳақидаги қадимги

одамларнинг фалсафий қарашлари мужассамлашган. Қурол-аслаҳаларнинг тасвири дастлаб одамлар ов билан шугуллангани, бунинг натижасида, турли қуроллар яшашни ўрганиганини ифодалайди. Рақс тушаётган одамлар, ҳайвонлар ов итлари, ов тасвирлари ҳам ўзида рамзий маъноларни акс эттиради. Ибтидоий санъатнинг нодир ёдгорлиги бўлган ушбу ифодаларни ўзида мужассам этган қоятошларга ўйиб ишланган 4 мингдан ортиқ расмлар мавжуд.

Қоятошлардаги расмларни ўрганган олимлар бу манзаралар жуда аниқлик билан, нозик, ҳаётий ишланганини кўришди. Расмлар эсхематик, контур, соя ва нақшдор услублар қўлланилган. Бу эса ўша даврда тасвирий санъат билан бирга, аниқликка асосланган математикага бўлган эътибор ҳам юқори бўлганини исботлайди. У замонларда одамлар табиат ҳодисаларини ўрганган ва бу жараёнлар ерга, ундаги унсурларга қандай таъсир этганини кузатишган. Бунинг натижасида чизилган суратлар ҳам ана шу табиат ҳодисалари билан уйғунлашиб ифода этила бошланди. Масалан, ёмғир ёққан пайт-

да айрим тасвирлар аниқ кўринади, қуёш нурининг тик тушиши бошқа бир тасвирларни ёрқин намоеън этади. Яна шундай суратлар ҳам борки, ёруғлик қия тушганда ёки соядагина уларни илғаш мумкин. Бундан кўриниб ту-



рибдики, қадимги одамлар мавсумий ўзгаришларни, тонг ва тунни, йил фаслларнинг алмашиувини ўрганишган, бу эса гидрометриология соҳасини ўша вақтда ўрганишга интилиш бўлганини ифодалайди. Қоятош тасвирлари, дунё томонидан юксак эътироф этилаётган 10 мингга яқин петроглифларда ифода этилган манбалар натижасида олимлар ўша даврдаги ҳайвонот олами, инсониятнинг яшаш шароитига оид қизиқарли маълумотларга эга бўлишди.

Бугунги кунда бу ҳудуд Сармиш давлат буюртма қўриқхонаси бўлиб, нафақат ноёб топилмалари, гўзал та-

биати билан ҳам ажралиб туради. Бу ҳудуд Ўзбекистоннинг "Кизил китоби"га киритилган Ўрта Осиё кобраси, эчкиэмар ва бошқа судралиб юрвучи ҳайвонларга бой. Қулай шароит бу ерда қадимдан одамлар яшаб келаётганини кўрсатади.

Турли қуроллар ёрдамида одамлар ерни қазиб, маъдалардан фойдаланишган. Натижада санъатнинг илк куртаклари намоеън бўла бошлаган. Бугунги кунда мамлакатимиз санъатига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келаётган вилоят бу соҳада ҳам қадимий. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида мил. ав. 5-4 минг йилликларга оид Учтут чақмоқтош конлари топилди. Учтут қишлоғи яқинидаги ушбу кон ашель, мустье ва юқори палеолит даврларига тегишли эканлиги аниқланди. Хомашё манбаси бўлиб, қадимги тош даврининг сўнгги босқичи бўлган ёдгорликлар, тош устахоналар ва Учтут шахталари ушбу манзилгоҳдан топилган. Аммо бу бор-йўғи коннинг мингдан бир қисми. Чунки шу вақтга-ча 8000 м² бўлган кондан 1000 м² жой ўрганилди. Изланишлар натижасида 32 та чақмоқтош конлари очилган. Ушбу манзилгоҳни ўрганиш натижа-

сида ҳудуд қадимги давр усталирининг бирламчи қурол яшаш макони эканлиги аниқланди.

Ер ости қазилма бойликлари азалдан инсониятнинг ривожланишига хизмат қилиб келган. Эра-миздан аввалги даврларда ҳам мана шу жараённи кузатишимиз мумкин. Конни қазиб олиш учун ҳам маълум қуролларга эҳтиёж туғилади. Учтут чақмоқтош конининг тупроқ қатламида сақланган қурол излари ўрганилиб, шахталар қандай қуроллар ёрдамида қазилгани аниқланди: учи силлиқланган ҳайвон шоҳлари, бугунинг курак суяги, ёғочдан ясалган қуроллар топилган. Одамлар дастлаб ер устидаги чақмоқтошлардан фойдаланишган. Улар ер ости ва устидаги чақмоқтошларнинг фарқини яқини билишган. Конлардаги чақмоқтошлар нам бўлиб мўртлашган ва натижада, қурол яшаш осонлашган. Тош қуроллар билан кавлаб олинган чақмоқтошлар махсус иш қуроллари ёрдамида тоғ жинсларидан ажратиб олинди, шундан сўнг, оғир вазндаги қайроқ тошлар билан урилиб бўлақларга бўлинади. Шундай жараёнлардан ўтиб, қадимги давр одамларининг иш, уй-рўзғор буюмлари ясалди. Кон атрофида одамларнинг ибтидоий устахоналари ҳам бўлган. Бугунги кунга қадар Учтут чақмоқтош конларидан 35 хил тош ҳамда ҳайвон шохидан ясалган қуроллар топилди.

Камола АБДУМАЛИКОВА,
"Оила ва жамият"
муҳбири.

"Кексаларни эъзозлаш йили" доирасида Кўшкўпир туманида ҳам эътиборга молик ишлар амалга оширилаётир. Кексаларнинг ҳаёт даражасини янада яхшилаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, ёши улуг инсонлар, айниқса, Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фахрийларига ижтимоий пенсия таъминоти ва тиббий хизмат кўрсатиш муҳим масалалар сирасига киради. Фарзандлар доимо улардан ўрнак олиб, ҳаёт йўлларини қуришган. Оила ва жамиятда ёшларни ўзбек халқининг кўп асрлик қадрият ва анъаналари руҳида тарбиялашда ёши улугларнинг ўрни муҳим.

Шу маънода кексаларни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш бўйича туман тиббиёт бирлашмасида етук мутахассисларни жалб қилган ҳолда 4 та гуруҳ ташкил қилинган. Бу ерда 11311 нуруний бўлиб, шулардан, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари 12 нафар, меҳнат fronti фахрийлари 438 нафар ва 10861 пенсионер, ёлғиз кексалар ва боқувчисини йўқотганлардир. Ушбу гуруҳлар томонидан 10 ой давомида ҳудудимиздаги барча ёши улуглар тиббий кўриқдан ўтказилди. 8214 нафарда касалликлар у ёки-бу турлари аниқланиб, диспансер назоратига олинди. Назоратга олинган 7974 беморда соғломлаштириш муолажалари ўтказилиб, улар амбулатория шароитларида, вилоят ва туман шифохоналарида, республика даволаш-профилактика муассасаларида соғломлаштирилди.

Эътиборлиси, "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин" шиори остида кўп тармоқли марказий поликлиникада республикамизнинг мала-

ЮЗ ЁШДА ҲАМ СОҒ БЎЛИШ СИРИ

кали профессор ва етук мутахассислари фахрийлар ва кексалар, пенсионерларни тиббий кўриқдан ўтказдилар. 917 фуқаро чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди. Унга кўра, ҳар хил турдаги касалликлар аниқланиб, режали равишда даво муолажалари белгиланган.

Диспансер назоратига олинганлардан 297 нафарини амбулатория шароитида даволашга, 9 нафарини санатория курортларда даволашга тавсия берилди. Шунингдек, 35 нафар нуруний санаторияларда соғломлаштирилди. Санаторияларда соғломлаштириш ишлари ҳали давом этмоқда. Негаки бу бир кунлик иш эмас, муттасил давом этадиган жараёндир. Ёш улуглар билан уюштирилган

суҳбатлардан шу нарсани билиш мумкинки, улар бундай эътибор ва ғамхўрликдан мамнун. Давлатимизнинг гуллаб-яшнаётгани, яратилаётган кенг имкониятлар, қулай шароит замирида аввало, инсон кадр-қиммати ётганлигини қарияларимиз таъкидлайдилар.

Тиббий кўрик натижаларига кўра, қарияларда турли хил касалликлар аниқланди. Шулардан, юрак қон томир касалликлари билан 47, нафас олиш касалликлари билан 27, асаб

касалликлари билан 63, кўз касалликлари билан 29, оғиз-томон-бурун ка-



Реклама ўрнида

салликлари билан 46 нафар қария диспансер назоратига олинди ва муолажалар аллақачон бошлаб юборилган. Уларнинг саломатлиги кун сайин тикланмоқда.

Шунингдек, мунтазам равишда уларни режали равишда соғломлаштириш тадбирлари белгиланган. Жумладан, стационар шароитида 46 нафар, амбулатория шароитида 261 нафарини даволаш йўлга қўйилди.

Халқимиз таъкидлаганидек, соғлиқ кунда керак. Унга бир лаҳза ҳам безътибор бўлмас, ярамайди. Шунинг учун, айниқса, отахон ва онахонларимизнинг сихат-саломатлигига доимо жиддий эътибор қаратиш зарур.

Олим МАТҚУРБОНОВ,
Кўшкўпир тумани тиббиёт
бирлашмаси бош шифокори.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Ҳурматли ҲАМИДУЛЛОЖОН!
2 декабрь — таваллуд кунингиз муносабати билан самимий табриклаймиз. Узоқ умр, бахт-саодат, ўқиб ва ишларингизда омад ҳамиша ҳамроҳ бўлишини тилаймиз.

Самимий эҳтиром билан
Омонтурсуновлар оиласи.
Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани

ФАРЗАНДИНГИЗ ҚИЗ БЎЛСА...

Тарбия

“Босилган қадам — одатга, одат — характерга, характер эса қисматга айланади”.

Доноларнинг ушбу фикри инсоннинг келажаги, унинг хатти-харакатлари билан боғлиқ эканини ифода этади. Азалдан қиз болага отанинг ори, аканинг ғурури сифатида баҳо беришади. Шу сабаб она оиланинг шаъни учун тарбияда бор масъулиятни ўз зиммасига олади. Ҳаётимиздаги кўплаб нохуш ҳолатлар, хусусан, отанинг тузалмас дардга чалиниши, эл-улус олдида боши эгилишига боғлиқат ўғилдан кўра кўпроқ, номусиз қиз сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам қизларни авайлаб-асраб, халқ тилида айтганда, “оқ қозога ўраб” улғайтиришади. Бежизга оналар, қизлари улғайгач беса-ранжом бўлиб “омонликда кутлуғ жойингга кўндирай” дейишмайди. Бирок, қизларнинг вояга етишидаги мураккаб ўзгаришлар кўпинча она ва қиз ўртасида тушунмовчиликларни юзага келтиради. Бу эса баъзан ўсмир қизларнинг онасидан сир яшириб, хато қилишларига сабаб бўлиши мумкин.

Ўсмирликда қизларда бўладиган ўзгаришларни суҳбатдошимиз — психолог мутахассис Гўзал РЎЗМЕТОВА шундай шарҳлайди:

— Қизларнинг болалик даври билан хайрлашиб, улғайиб босқичига ўтиши ва бу жараёндаги психо-физиологик ўзгаришлар 10-11 ёшдан бошланиб, 14-17 ёшга давом этиши мумкин. Бу дастлаб физиологик ўзгаришлар, яъни ҳайз келиши билан боғлиқ. Буни атрофдагилар табиий қабул қилиши, уни тушу-

ниши керак. Уятчанлик ва тезда хафа бўлиш, жиззакилик ўсмирлик аломатларидандир. У ўз ташқи кўринишидан уялади, ҳаракатлари букчайган ҳолатга келади. Сабаби бола танасини аввалгидек бошқара олмайди, шунингдек, ҳиссиётларида ҳам шундай ўзгаришлар юз беради. Ўзини катта одам ҳисоблаши натижасида атрофдагилардан ҳам худди шундай муомала кутади. Бу ҳолатлардаги фарзанд кўпинча оналарни ваҳимага солади. Баъзан оналар қизларини тарбиялашга ҳаракат қилиб, унинг руҳиятига кучли зарар етказиб қўйишлари мумкин. Натижада, болада кучайиб бораётган салбий жиҳатлардан чўчиб, атрофдагиларнинг маслаҳатига шошилади. Бунда ўзлари ҳам бошидан ўтказган ўсмирлик давларини, вақтинчалик ҳолатларини унутиб қўйишади, назаримда. Чунки, улар ҳам бу даврда ўз ота-онасидан маълум муносабатларни кутган.

— Кўпинча бу турдаги оилавий моҳароларда, аксар оналар тарбияли қизларни улғайтирган аёлларга мурожаат этишади, улардан маслаҳат сўрашади. Айтинг-чи, бу қай даражада самарали? Бу муаммоларнинг катталашувига сабаб бўлмайми?

— Истаисизми, истаисизми, барибир қиз бола ўзи туғилиб ўсган уйда омонат. Вақти соати гетса, ўзга хондонга келин бўлиб боради, бу ҳаётий ҳақиқат, тўғрими? Биламизки, совчилар нафақат оилани, балки қизни ҳам сўраб-суриштиради. Мана шундай вақтда қизнинг ўсмирлик давридаги муаммоларини келин айримлар бўлғуси билгани ёмонлайди. Ундан ташқари, қиз онасидан



танбех эшитиши, қариндошлари тергашидан задаланади. Натижада бу қиз баттар тушкунликка тушиши мумкин. Шу сабаб фарзанд тарбиясида маслаҳат сўрашда кўпни кўрган, мулоҳазали, яқин қариндошларга мурожаат қилиш мақсадга мувофиқ деб ўйлайман. Аслида, болага онадан ёки отадан бошқа ҳеч қандай жиддий таъсир кўрсатолмайди. Шу вақтда она кўпроқ қизига эътиборли бўлиши керак. Фарзандни ўз ҳолига ташлаб бўлмайди. Тез-тез уни яхши кўришини такрорлаши, кундан кунга чиройли бўлиб кетаётганини таъкидлаб туриши лозим. Болада пайдо бўлаётган дастлабки қаршиликка она тезда муносиб жавоб бериши керак. Айтилик, бир қўйлак қизга ёқмади, аммо буни дарров тўғри тушунтириш зарур: “Нега? Бу жуда мос келди. Бошқаси ярашмаслиги мумкин” — деб.

Фарзандга катталардек муомалани бошлаган заҳоти у ўзига эътиборни ҳис этади. Бу эса ишончли орттиради. Шу даврда болани фақат меҳр ва муомала билан тарбиялаш мумкин.

— Бир танишимизнинг қизи айнан ўсмирлик дав-

рида жуда семириб кетди. Шундан сўнг парҳез тута бошлади. Айтинг-чи, бу жараён табиийми?

— Қиз болаларда бу даврда скелет ҳамда мушаклар умумий массасининг ўсиши кузатилади. Шу сабаб организмда ортиқча вазн йиғилади. Ўсмирлар бу жараённи оғриниб қабул қилишиб, ҳаттоки ўзини овқатланишдан ҳам тийишади. Бундай “парҳез тутиш”нинг оқибати жуда ёмон кечishi мумкин. Ўшбу даврда танадаги суюқ ва мушаклар массаси ўзгаради. Тана оғирлигини кейинчалик меъёрга етказиб олиш мумкин бўлса, суюқлар массасини ўзгартиришнинг имкони йўқ. Шу сабаб ўсмирлар витаминларга бой овқатларни истеъмол қилишса, ота-оналар ҳам болаларнинг тўғри овқатланишга риоя этишаётганини назорат қилиб боришса, бу вақти-соати билан ўзизига тушиб кетади.

Шу ўринда яна бир маълумотни келтириб ўтмоқчиман, тадқиқотларга кўра 70 фоиз қизларда сурункали камқонлик, пиелонефрит, гинекологик хасталиклар учраб экан. Бунинг сабабини ўзимиздан қидиришимиз керак, деб ўйлайман. Болам улғайди,

кўмагимга эҳтиёжи йўқ энди, дейдиган ота-оналар қаттиқ янглишишади. Фарзандга эътибор фақат гўдаклигида эмас, ҳар доим керак. Бола саломатлигида эътиборли бўлиш шарт. Айниқса, ўсиб бораётган организм касалликка мойил бўлиб, оғир асоратларни олиб келувчи турли хасталикларга чалиниши мумкин.

— Оналар қизларидаги руҳий ўзгариш сабабини билиш учун сизга ҳам кўп мурожаат қилишади. Ана шундай мураккаб ўтиш даврини бошидан кечираётган “ўзгарувчан” болаларга қандай муносабатда бўлиш тўғри, деб ўйлайсиз?

— Биринчи навбатда, ота-она бу ҳолатдан ваҳимага тушмаслиги керак. Чунки бу — вақтинчалик ҳолат. Ортиқча чегара қўйиш, уни керагидан ортиқ назоратда тутиш нотўғри. Бола билан кўпроқ дўстона муносабатни ўрнатилиш керак. Негаки бу вақтда қизлар катталардан кўра кўпроқ тенгдошларининг сўзига қулоқ солади. Яқинлари уни мақташи, оддий ишини ҳам юқори баҳолаши керак. Сир яширмаслиги ва ёлғон гапирмаслиги учун у билан кўпроқ суҳбатлашинг, савол беринг.

Халқимизда “Одам кичиклигида, унинг ташвишлари ҳам кичикдир, ўғил-қиз улғайса, уларнинг ташвишлари ҳам шунчалик катталашади”, деган пурмаёно нақл бор. Шундай экан, уларнинг катталашиб бораётган муаммоларидан қочиб эмас, ҳал қилиш, тарбиялаш лозим. Бу ҳаётий ҳақиқат, бу табиий жараён-дир.

**“Оила ва жамият” муҳбири
Камола РАҲИМҲУЖАЕВА
ёзиб олди.**


ТАБИАТНИНГ ЁШ ҲИМОЯЧИЛАРИ

Ойнадан термулиб, атрофни бир зум кузатишнинг ўзи ҳам завқли. Айниқса, ям-ашил дарахтлар, зилол сувлар, мусаффо ҳаво, озода йўлақларнинг ҳаммаси кишига қувонч улашади. Бу манзаралар кичкинагина макетларга, оддийгина синф хонасига қўчиб ўтса-чи? Буни шунчаки айтганганимиз йўқ. Бу ҳолатларга Марғилон шаҳридаги 28-мактабнинг “Ёш биологлар” тўғраги машғулотларида қатнашиб ўзимиз гувоҳ бўлдик.

Саъдий Шерозийнинг “Бутун борлиқ табиат бағрида улғаяди” деган пурмаёно хикмати синф хонасининг пештоқиди. Ҳўл препаратлару шифобахш гуллар, табиат тасвирлари акс этган кўргазмалар жамланмасини мактаб ўқувчилари яратишган. Шу сабабли ҳам тўғрақ аъзолари атроф-муҳитни асраб-авайлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, ҳаёт манбаи бўлмиш биохилмаҳилликни сақлаш, тиклаш ва кўпайтириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан эканини яхши англайдилар. Ёш экологлар бу борада анча-мунча ташаббус кўрсатиб, мактабда турли тадбирларни ҳам ўтказиб туришади. Чунки инсониятнинг узок йиллар давомида табиатга нотўғри муносабатда бўлиши қатор экологик муаммоларни келтириб чиқарганини тўғрақ

раҳбари, мактабнинг биология фани муаллимаси Кароматхон Каримова кўп маротаба, содда ва атрофлича мисоллар билан уларга тушунтириб берган.

Бугунги машғулот мавзуси ҳам долзарб. Яъни завод ва фабрикалардан чиқётган заҳарли тўғрақларнинг ҳавога таъсири ҳақида. Ўқувчилар ўзлари ясаган бежирим макет орқали тутаётган завод ҳолатини бизга жонли тарзда кўрсатиб беришди.



— Бу оддий тажриба орқали ифлосланган ҳавонинг бутун борлиққа қанчалар зарар етказишини кўрдик, — деди тўғрақнинг фаол аъзоларидан бири Муҳаммадзиз Алижонов тенгдошларига мавзу ҳақида батафсил тушунча берар

экан. — Шунинг учун ҳам юртимизда табиатни асраш, унинг бойликларидан унумли фойдаланиш ва келажак авлодга етказиш борасида ҳаётга татбиқ этилаётган ишлар кўлами тобора кенгаймоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, табиатни авайлаш барчамизнинг бурчимиздир.

Билимдон ўқувчилар Муҳаммадзизни диққат билан тинглашди. Шундан сўнг устоз Кароматхон Каримова уларга саховатли куз меваларининг дориворлик хусусиятлари ҳақида ҳам қизиқарли маълумотларни гапириб берди. Лаборатория машғулотлари орқали ўғил-қизлар янги сабоқларни ўзлаштирдилар. Тўғрақнинг доимий иштирокчилари Умидаҳон Ўрмоналиева, Гулираёно Шокирова, Сарвиноз Муҳаммадзонова, Илхомжон Худойбердиев, Шерзод Қобилов, Ойбарчин Исақова ўрганган мавзуларни бўйича қисқача баҳс-мунозара ҳам уюштиришди. Бу каби машғулотлар ҳар ҳафта олиб борилади. Аммо ҳар бирида муҳим янгиликлар, экологияга оид тажрибалар ҳақида сўз юртилади. Шунинг учун машғулотларни қолдирмасдан, мунтазам ўрганиб боришни аҳд қилганлар кўп. Қисқаси тўғрақ ёшлар учун жуда се-

Ташаббус

вимли бўлиб қолган.

— Экологик муаммоларни ҳамжихатликда ҳал этиш келажак авлоднинг соғлом ва фаровон турмуш кечириши учун мақбул шарт-шароитлар яратиш демакдир, — дейди Кароматхон Каримова тўғрақ ҳақида бизга сўзлай туриб. — Буни ўғил-қизларимизга ҳам тушунтириб боришимиз зарур. Ахир табиатни асраш ҳам ёшлиқдан бошланади-да! Бунда тўғрақлар ва турли тарғибот тадбирлари анча қўл келяпти. Буларнинг бари атроф-муҳит мусаффолигига эришиш, экологик барқарорликни сақлашдек эзгу мақсад-муддаолар рўйига хизмат қилаётир.

Биз тўғрақда тадбирлар режасига ҳам бирров нигоҳ ташладики. Мактабда ўтказилаётган “ОИТСга қарши курашамиз!”, “Озон қатламини асрайлик”, “Гуллар ва қушлар байрами”, “Биз соғлом турмуш тарафдоримиз”, “Саломатлик — туман бойлик” мавзусидаги тадбирларнинг мунтазам ўтказилаётганини устоз айтганидек, ёшларнинг она табиатга муҳаббатини тобора юксалтирмақда. Бир сўз билан айтганда, тўғрақда табиатнинг ёш ҳимоячилари қамол топаётир.

Мадамжон СОЛИЖОНОВ.

ДУНЁНИ АНГЛАШ СИРЛАРИ

ёхуд болалар адабиётига бир назар

Адабиётнинг чексиз кенгликлари... Шамоллар совуриб юборган излар, номлар... Кенгликларда чарақлаган нур, дилни қувнатгучи зиё. Топилади. Олам ичра олам, адабиёт ичра яна бир олам борки, у ҳар кимни остонасин ҳатлаб ўтмоққа изн бермас. Толстойнинг иқрори: "Беш ёшли болалардан мена гача бир қадам. Янги туғилган бола билан менинг орамда эса бир дунё масофа бор". Кўнгил поклиги, тафаккур нурафшонлиги бор бунда. Шарт. Бу оламга киришдан бурун бола дунёсига кириш, болага айланиш. Шартдан, синовдан ўтганлар эса кўп эмас. Фаранг, инглиз, ўзбек... жаҳонда уларнинг оти санок-

ли. Ханс Кристиан Андерсен, Жанни Родари, Жонатан Свифт, ака-ука Гриммлар, Самюэль Маршак ... ва ўзимизнинг Худойберди Тўхтабоев, Анвар Обиджон, Турсунбой Адашбоев...

Макону замон сарҳадлари оша сақланган болаликнинг беғуборлиги ва самимияти. Тилдан дилларга кўчаётган халқ оғзаки ижодиёти. Иккисининг бир нуқтада акси бор. Адабиёт, болалар адабиёти. Аммо қандай? Беназир фольклор аъналарига издошлик, ворислик мумкинми? Уларнинг узвийлиги ва давомийлигини сақлаб қолмоқ, айна чоғда болалар оламига кириб бормоқнинг талаби не?

Худойберди ТЎХТАБОВЕВ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси:

— Аввало, дунёдаги дурдона асарларнинг асосида нима ётибди? Миллий қадрият ва эртақлар. Адабиётда, айниқса болалар адабиётда бусиз илож йўқ. Жаҳондаги донгдор ёзувчиларнинг асарларида эртақ унсурлари учраши табиий. Афсус, минг афсус, биз бир замонлар "социалистик реализм"нинг қурбони бўлиб, эртақларни асарларга киритишни йўқотиб бордик. Мен бу тузумни тушуниб етдим ё тушуниб етмадим. Билганим шуки, адабиётимиз таркибида миллийлик деярли йўқолиб кетди, биз ўтмишдан буткул узилиб қолдик. Европадан адабиётлар оқиб келди, келаверди. Ахир, ўзбек адабиёти асосини ўзимизнинг миллий қадриятларимиз, халқ оғзаки ижоди ташкил қилиши керакми, йўқми? Шукрки, 1991 йил — мустақиллик эпкилари эса бошлагач, бу армонлар, орузлар ушалди ва ниҳоят, адабларимиз ижодига фольклор кириб кела бошлади. Ўз ижодий тажрибамдан айтадиган бўлсам, "Сеҳрли қалпоқча", "Сарик девни миниб", "Беш болали йигитча" асарларим асоси айна эртақлар эди. Халқни халқ, миллатни миллат даражасида ушлаб турадиган манба — бу фольклор, миллий қадриятлар!

Энди кейинги саволга машхур ёзувчимиз Саид Аҳмадининг қуйидаги сўзлари жавоб бўлади: "Болалар ёзувчиси болалар асари устида ишлаётганда ўша асар туғанича бола бўлиб туриши керак". Бўлмаса, бу асарни ҳеч ким ўқимайди. Аввало, болалар ёзувчиси туғма бўлади. Соддалиги, жўнлиги, ишонувчанлиги, самимийлиги болаликдан мерос. Шу хусусиятларни ўзингизда сақлаб қолсангиз, ёзганингизни бола ўқийди, бўлмаса йўқ. Ҳаким Назир ёмон ёзувчи эмасди, лекин ёзаётганда бола эмас, катта бўлиб ёзган экан. Қуддус Муҳаммадий қороз устида ўзини боладай ҳис қилган экан, сақланди. Пўлат Мўмин ёзаётганда, ярим бола бўлиб ёзган эканми, ярми сақланди, холос. Қудрат Ҳикмат эса болага айланиб кетган экан, ёзганларининг бари классика бўлиб қолди. Болалар дунёсига кириш учун аввал руҳиятингизни болаликка яқин туга олиш, бола каби осмонга сакраб қувонишу ҳовлиқиб йиғлаш ва ҳатто, аразлашни ҳам билишингиз керак.

Турсунбой АДАШБОВЕВ:

— Деярли барча болалар шoirларини, ёзувчиларини фольклорга мурожаат қилган. Сабаби, биз болалигимизданок фольклор тарбиясини олган-

миз, эртақлар билан тобланганмиз. Боланинг топқирлиги, ижодкорлиги айна асотирлардаги ҳаёт билан реал ҳаётни таққослаш, муқояса қилиш йўсинида ўсиб боради. Ўзбек болалар адабиётига баҳоли қудрат улуш қўшган Рустам Назар, Ҳамза Имомбердиев, Дилшод Ражаб, Соҳижон Иноятов, Абдурахмон Акбар ва бошқалар ҳам албатта дostonларга таянган, сунган. Боболаридан эшитган у ҳали китобларга тушмаган дostonларни шеърини тарзда, насрий баёнда халққа етказишга уринган. Барибир айтим бошқа, ёзув бошқа. Ҳар иккисидан ҳам маҳорат керак. Аммо фольклорни оққа кўчираётган ижодкорнинг масъулияти ўн чандон юқори бўлиши лозим. Эртақ ёзилаётганда болалар характери, ёши, асар ҳажми инобатга олинади. Менимча, болалар учун ёзилаётган шеърини дostonлар икки-уч саҳифадан ошмагани маъқул. Сабаби, бола бeтoқат, уларнинг вақтини ҳисобга олиш керак. Кўпинча афсоналар, асотирлар сайёр мавзу бўлиб келган. Менинг "Тўлпоркўл афсонаси" дostonим "Ёшлик" журналда чоп этилгандан сўнг ёзувчи Эркин Аъзам кўнғироқ қилиб, баайни бу афсона Сурхон дeирида ҳам мавзудлиги ҳақида гапирган эди. Фольклорга издошлик ижодкордан маҳорат талаб қилади. Масалан, "Ойгул билан Бахтиёр"ни эслалик, Ҳамид Олимжон уни шундай жонлантирадики, кўз олдингизда кино тасмасидай воқеалар лип-лип ўтиб туради.

— Бугунги болалар адабиётида мавзу ёки жанр жиҳатдан янгиликлар кузатиляптими?

Худойберди Тўхтабоев:

— Биласизми, дунё адабиётини йигирмадан ортиқ жанрда асарлар яратилади. Ўзбек адабиётини ҳозир фантастиканинг турлари ривожланиб борапти. Мен дастлаб рус, инглиз, кейин немис адабиётини ихлос қўйдим. Япон болалари маънавий камолотининг эрта шаклланиши сабабларини ўргандим. Нима учун бу халқлар болалар адабиётини жанрлар кўп учрайди? Чунки улар болани эртароқ кашф қилишар экан. Аллоҳ бола қалбига тўртта гўзалликни жойлаб яратади: бу Адолат туйғуси, Ҳақиқат, Маъсумлик ҳамда Камолот

туйғусидир. Бирор соҳага майл ҳам ана шу гўзаллик, камолотнинг нишонаси. Кўп ҳолларда бола шаклланаётган пайтда майл ота-она, кейин тарбиячи томонидан сўндириб қўйилади. Европа буни аллақачон ўрганиб чиқди. Болани ўрганиш жараёнида адабиётда ҳам янгиликларни кузатилади. Янги-янги мавзулар кашф қилинди. Адабиёт доираси архитектура, мусиқа, расм, табиат каби қатор мавзулар билан кенгайди, "Онажон,



ўқиб беринг", "Ўзинг ярат" каби жанрлар пайдо бўлди. Шу ўринда бир кизиқ воқеани, уялиб қолганимни ҳам айтиб кетай. Бир пайтлар Тохир Малик Ёзувчилар уюшмасида вақтинчалик раис, мен эса маслаҳатчи бўлиб ишлардим. Германиядан келган ёзувчидан "Сизнинг юртингизда болалар адабиётини қандай қилиб қандай?" деб сўрадик. "Бу галати савол бўлди-ку, ахир, адабиёт болалар учун яратилади, нега эйтибор бўлиши керак?! Бутун ҳолати билан адабиёт болалар адабиёти бўлиши керак. Бу савол менга ўринсиз бўлди". Аслида тарбия ҳолати билан адабиётнинг ҳам уларга қаратилиши лозим

Турсунбой Адашбоев:

— Дунё миқёсида янгиликлар бўляпти, лекин етарли эмас. Жанр жиҳатидан бугун биз техника, технологияларга эътиборлироқ бўлишимизни даврнинг ўзи талаб қилляпти. Боланинг техника билан боғлиқ оламнинг яхши-ёмон томонларини тасвирлаш, уларни робот бўлиб қолишларидан сақлаш адабиётнинг вазифаси. Телевизор, интернет каби воситалар болани болалигидан чеклаб қўймоқда. Улар ташқи оламдан ажралиб қоляпти. Болалар вақтида ўйнаши, тўполон қилиши, чўмилиши ва ҳоказо ва ҳоказо керак. Интернет дегани бугун бутун дунёни қоплаб бўлди. Шу баробарда у адабиётга ҳам ўз таъсирини ўтказаяпти. Худойберди

Кўнгил мулки

Тўхтабоевнинг Ҳошимжони, Анвар Обиджоннинг гўзал шеърини ёки Мешполвони... тан олиш керак, уларнинг ўрнини тўлдирадиган асарлар кам.

Чет эл адабиётини кузатаман, албатта, бироқ бу асарларнинг аксар қисми бизнинг болаларимизга тўғри келмайди. Шу ўринда менталитет, дин, маданиятлар тўқнашуви юзага келади. Дунё янгиликларидан бохабар бўлиб туриш, улардан керакли, фақат керакли жиҳатларини олишимиз кифоя. Тажрибалар ўзсиз бўлади. Бироқ уларга эргашиб, юкиниб олмаслик керак.

— Ижодкор-китобхон сифатида болалар қайси асарларни ёки кимларнинг асарларини ўқишлари лозим деб ҳисоблайсиз?

Худойберди Тўхтабоев:

— Шаҳсан мен Жанни Родари, Николай Носов ижодини тавсия қилган бўлардим. Фантазияси кучли. Марк Твен, Жонатан Свифт асарлари ва яна жаҳон, ўзбек халқ эртақларини кўпроқ ўқиш, эшитиш керак.

Турсунбой Адашбоев:

— Жаҳон болалар шеърини италиян шоири Жованни Рабони, инглиз шоири Уолтер Де Ла Марни мутолаа қилиш лозим. Биласизми, Уолтер умри давомида битта китоб ёзган экан. Ана шу китоби инглиззабон мамлакатларда талаб катталиги боис ҳар йили қайта-қайта нашр қилинаверади. Унинг ижодидан баҳраманд ўқувчи Корней Чуковский, Самюэль Маршак услубида унга тақлидни, унга ўхшатиб ёзишга интилишни дарров пайқайди.

— Кечаги ва бугунги тафовутий қарашлар ҳам қизиқ. Шу маънода бугунги ўзбек болалар адабиётини кўнглингиз тўладики? Мустақиллик даврида миллий адабиётимизда жаҳонга бўйлашувчи асарлар яратилдики?

Худойберди Тўхтабоев:

— Ҳақ гап. Мустақиллик даврида мен армон билан, тўхтамай тақорлайдиган бир ном бор: бу — Анвар Обиджон! У адабиётга дунёдаги манаман деган болалар ёзувчиларидан қолишмайдиган кашфиёт билан кириб келди. Унинг тоған усули жаҳондаги болалар ёзувчиларининг бирортасида учрамайди. Болалар шеърини Абдурахмон Акбар, Кавсар Турдиева ижодини намуна қилиб кўрсатса бўлади. Насрдан эса... уларни шамоллар бағридан қидирамиз... Анвар Обиджоннинг насрда ҳам қалами ўткир, фантазияси кенг. Болалар адабиётини, умуман, ким машхур бўла олади, қандай асарларнинг умри узоқ бўлади? Фантазияси юқори ёзувчи ва фантастик асарнинг умри боқий абадиятга муҳрланади.

Турсунбой Адашбоев:

— Очигини айтганда, дунёга мактасак арзийдиган асарларимиз бордир, лекин уларни жаҳонга бўйлаштириш учун таржима масаласи кўндаланг турибди. Истеъдодли таржимонлар керак. Қанийди, Ҳамид Олимжон ёки Анвар Обиджоннинг айрим асарларини дунё тилларига қойиллатиб, ўзбек тилида қандай жарангласа, шундайлигича ўғирилса. Эсимда, Зоя Туманова билан Владимир Данко ўзбек болалар ёзувчи-шоирларининг айрим асарларини асл ҳолидан кам қилмай, рус тилига ўғирган эди. Ҳозир бу аънана сустроқ давом этияпти, менинг назаримда.

Севара АЛИЖОНОВА
ёзиб олди.

...Саккиз ёшли бу қизча билан оилавий йиғинларнинг бирида учрашиб қолдим.

— Хола, сиз журналистмисиз, бир оғизгина гапим бор эди, — деди у мени секин четга тортди.

— Ҳўш, эшитаман.

— Бир нарса сўрасам майлими?

— Бажонидил.

— Агар ота-онам ажрашиб кетишса, мен етим бўлиб қоламаними?

— Нега унақа дейсан, қизим? Яхши ният қилсангчи.

— Нега десангиз, бизникида ҳар куни жанжал бўляпти, шунга...

— Нима, даданг ёмонми?

— Йўқ! У киши ҳаммадан яхши.

— Унда онанг ёмон эканда!

— Нега ундай дейсиз, ҳечам-да. Сиз ҳам бобомга ўхшаб...

Кизалоқ бирдан аразлаб, қовоғини солиб олди. Уни харчанд гапга солишга уринмайин, бошқа ҳеч нарса демади. Орадан кунлар ўтди. Унинг мунгли кўзларини сира эсимдан чиқара олмадим. Сўраб-суриштириб, кизалоқнинг онаси билан танишдим. Анча суҳбатлашдик ва қизчани қийнаётган муаммоннинг залворли юки кўнглимга чўкди...

— Илгари турмушимизга ҳамманинг ҳаваси келарди, — деб гап бошлади унинг онаси. — Икки фарзандимиз бор. Турмуш ўртоғимнинг феъли жуда яхши. Топиш-тутиши ҳам ёмон эмас. Қайнотам анча йиллар хорижда ишлаган, жуда замонавий одам. Ўттиз йилдан ортқ ўқитувчилик қилган қайнонамдан ҳам баъзида айб топиб ўтиради.

Турмуш ўртоғимнинг ишини шаҳарга кўчиришгач, бу ёққа келиб яшашимизга тўғри келди. Беш-олти йил ижара уйда турдик. Шу йил баҳорда пойтахтдан ҳовли

сотиб олдик. Уйни номимизга ўтказётган пайтимиз тузилган куним яқинлашиб қолганди. Қайнотам эримга кўнғироқ қилиб: "Сизларни-кига "уй қуллуқ бўлсин"га ўтмоқчимиз, шу баҳонада келиннинг тузилган кунини нишонлаймиз", дебди. Бу гапни эшитиб, жуда хурсанд бўлдим. Елиб-югуриб тай-ёргарлик кўрдик. Шу орада уй номимизга ўтиб, қувончимизга қувонч қўшилди. Оиламизда ўша куни байрам бўлиб кетди. Эртасига қайнота-қайнонам кириб келишди. "Меҳмонларни олиб келамиз, дегандингиз, қолганлар қани?", десам, қайнотам: "Оилавий тантаналарга бегоналарни аразлаштириб нима қиласиз, ўзимиз мириқиб ўтираемиз", деди. Қайнонам билан дастурхон безатдик. Совға-саломлардан бошим кўкка етгудек суюндим. Болаларнинг хурсандлигини айтмайсизми?.. Қизим Чарос, укаси Санжарнинг қўлидан ушлаб, сакраб-сакраб ўйинга тушишди. Бобоси ва бувисининг атрофида айланишди. Хуллас, ҳаммаси яхши эди.

Бир пайт болаларимизга дадаси телефон қилиб, ишхонада ушланиб қолганини айтди. "Майли, у келгунча байрамни бошлаб тураверамиз", деб қайнотам спиртли ичимликларни очиб, қадаҳларга куйди. Қайнонам одатдагидек афтини буриштириб: "Яна шу қилингизни бошладингизми, болаларнинг олдида уялсангиз бўларди. Бир ўзингиз ичмайсиз-ку, ахир", деганди, қайнотам менга ишора қилди: "Нега бир ўзим

ичарканман, ана, тузилган куннинг эгаси — келин менга шерик бўлади".

Тўғриси айтсам, ҳеч қачон спиртли ичимлик ичиб кўрмагандим. Буни қайнота-қайнонам яхши билишарди. "Йўқ, ичолмайман", деганимга қарамай қайнотам: "Мени

гизга тик қараб, "Қани олинг, ҳеч нарса қилмайди", деб турса, эътироз билдирилмас экансиз. Бир қултум ичимлик томоғимни куйдириб ўтди. Кейин иккинчиси, учинчиси... Хаёлимда бир фикр: "Шу зор-мандани ичсаму, қайнотамдан тезроқ халос бўлсам", деб ўйлайман.

У эса: "Барақалла, олинг, мана шуним ичиб юборинг", деб қўлимга қадаҳ тутказди.

Кейин нима бўлганини билмайман...

Кўзимни очганимда тепамада хўжайиним даргазаб бўлиб ўтирарди. Маълум бўлишича, кечқурун у ишдан келганида маст бўлиб қолган эканман. "Тур,

иссиқ чой дамлаб кел", десам, "Керак бўлса, ўзингиз дамлаб ичинг, чойингизни", деб тилим айланмай, жеркиб бериман. Эрим юзимга тарсаки тортиб юборибди. Шунда мен ҳам унга ташлабиман... Аммо буларнинг ҳеч бирини эслаб олмайман. "Ота-онамнинг олдида обрўйимни бир тийин қилдинг. Ахир улар ҳар куни меҳмон бўлиб келишмайди-ку", деб эрим мендан жуда хафа бўлди. Ростини айтсам, ҳеч қачон қайнонамнинг кўзига тик қарамаганман. Аммо ўша куни уларга ҳам ўзимча нималардир деб жаврабман...

Шундан бери уйимизда тинчлик йўқ. Эрим тўнини тескари кийиб олган. "Ҳаммасига отангиз сабабчи, нега мени мажбурлаб ичирди", десам, "Ўзинг ҳам зўрға тур-

Буни ҳаёт дейдилар

ган экансан-да, нима, ич, деса ичавердингми", деб таъна қилади. Уятдан ўзимни қаерга қўйишни билолмайман. Яхшиям, шу қизчам бор. Хали ёш бўлсам, жуда ақлли. Ҳар сафар дадаси билан жанжаллашсак, "Аслида, бобом айбдор. Ўша куни бувим, келинга ичирманг, уят бўлади, деса, қани бир синаб кўрайлик-чи, ўзини қандай тутаркан, деб онамни мажбурлаб ичирди", дейди. Хўжайиним эса қоши, ёш боланинг гапига ишонадиган одам бўлса...

Уйимизда ҳар куни жанжал бўлавергач, қизим буви-сига телефон қилиб, "Ота-онам ажрашиб кетса, биз етим бўлиб қоламизми", деб йиғлабди. Шундан кейин қайнонам уйимизга келиб, эримга ўша куни бўлиб ўтган гап-сўзларни хижжалаб тушунтирди. Шундан кейин уйимиз салгина тинчигандек бўлди. Аммо ўзимни ҳалиям тиканнинг устида юргандек ҳис қилаялман. "Тагин бирор хатоликка йўл қўйсам, эрим портлаб кетмасайди", деган уйда кўржиб яшайман...

— Қайнотангиз кейин сизникига келмадимми? Ўғли билан гаплашса бўларди-ку, — деб сўрадим.

— У ҳақда эслашни ҳам истамайман. Қайнонамга: "Эплаб ичолмайман демайдими, уни мажбурламасдим", деганмиш...

Ота деган ном аслида мартаба ҳам, мансаб ҳам эмас, энг юксак мақомдир. Бугуннинг айрим оталари ўз мақоми ва масъулиятини англамагач, оила мустаҳкамлиги учун қайғуриш гўдақлар зиммасига тушмаётганми-кан?..

Ҳамроҳон
МУСУРМОҶОВА.



СОВЧИЛАРМАС, "ОВЧИ"ЛАР

Бу воқеани институтда ўқиб юрган кезларим курсдошимдан эшитгандим. Негадир ҳали-ҳануз хаёлимдан кетмайди. Балки таъсирчандир, шу боис бошқаларга ҳам илинай, дедим.

Яқинда уйга келсам, онам ошхона атрофида куймаланиб юрган экан. Кийимларимни алмаштириб, ёрданга шошилдим. "Уйга меҳмон келган", — деди онам мийиғида кулиб. Олдинига тушунмадим. Холам келгач, ҳаммаси аён бўлди. Айниқса, мени авраи бошлаганида роса жаҳлим чиқди.

— Қизим, онангни ҳам тушун. Яхши одамларга ўхшайди. Бола билан кўриш. Агар маъқул келса, буёғи тўй, Худо хоҳласа. Ҳар томонлама ўйлаб кўр, сенга ёмонлики раво кўрмаймиз, биласан!

Рози бўлишдан олдин улар ҳақида сўраб олдим. Холаминг айтишича, бола савдогар экан. Агар унга тегсам, камчилик кўрмай яшармишман. Шундоғам камчилик кўраётганим йўқ. Ойлигим ўзимдан ортиб турибди. Суҳбатлашаётганимизда совчи аёллар уйни айланмоқчи бўлиб қолди. Ҳовлимиз каттагина, томорқа, боғ, кўчалар кенг, айвон саҳнида ҳар турли гуллар. Улар ҳаммаёқни обдон текширишди.

Шер ўлжага тўйишга кучи етса, овга чоғланар экан. Аммо уларнинг

ишталари анча очилиб кетган кўринади. Автоуловларимизгача синчиклаб кўриб чиқишди. Охирида айтган гаплари қизиқ бўлди.

— Энди қуда, орзу-ҳаваслига ўхшайсиз, — деди хумга ўхшаб антика смирған аёллардан бири. — Ўғлимиз биттагина. Унга атаб ҳовли ҳам олганмиз. Аммо у ёқда болалари яшамаса, шундоғам уйимиз катта. Ҳозирча ўғлимизда машина йўқ, Мебелнинг ўрнига шу машинани берсаларингиз ҳам бўлади. Нариги тарафини келишиб кетардик.

Уёғини эшитолмадим. Бунинг учун бардош керак эди. Кенг кўнгли, бепарво юрак керак-да. Қиз томоннинг қўлига қараб турган бу "замонавий тиланчи"лардан рости, нафратланиб кетдим. Нима, бир қиз бўлганим билан акаларим, укаларим бор. Ҳамма нарсани тузилган уйимдан "супуриб" олиб кетадиган бўлсам, улар кейин нима қилади?.. Дадам яна тирикчилик деб тўрт тарафга югуриб-елиши керакми? Ундан кўра сал шовмай турсам, ориятлироқ куёв қичиб қолар. Аммо бу гапларимга ўзим ҳам ишонмайман, чунки бу ер Тошкент. Жиззах ё Самарқанд эмас.

Бир неча ой олдин яқин дугонам турмушга чиқди. Ўзи асли, жаззахлик эди. Ўзлари тарафдан бир йигитга беришди. Тўйларига роса ҳавасим келди. У тарафларда қизнинг қўлига қарашмас экан. Иложи борича, тўйни куёв томон зиммасига оларкан. Уйни тўлдир, сарпо қил, мебел ол, деган гапларни эшитмадик, ҳатто. Олдинига дугоналарим билан унинг айтган гапларига ишонмадик. Тўйдан кейин меҳмонга борганимизда чоғроқина уйда, олдий мебеллар, ўй жиҳозлари кўйилгангига гувоҳ бўлдик. Йигит жуда ориятли экан. Қизга "Нима сўрасанг мендан сўра, умид қилсанг, мендан умид қил, қочадиган одамнинг ҳам, топадиган одамнинг ҳам мен бўлай" депти. Мен ҳам шундай йигитни орзу қиламан. Майли, у жаззахликми, қашқадарёликми, сурхондарёликми, қаерданлигининг фарқи йўқ. Узок бўлса, нима бўпти?! Бахтли бўлсак, шунинг ўзи давлат эмасми!

...Совчилар кетганидан кейин онам менга насиҳат солди. Шу оила уларга маъқул келганини айтди. Сўраган нарсаларини беришларини, ўзи бу ерда одат шундай эканини айтди. Хўрлигим келди. Холаминг гапи ҳам онамники

Булган воқеа

Билан бир хил. Нима қилишни билмай қолдим. Сабаби, бу овчилар, йўғ-е, совчилар биринчиси эмас. Ҳадеганда рад этаверсам, бегоналар қолиб, ҳатто уйдагилар ҳам шубҳаланиб қолишади. Аммо ундай ҳимматсиз оилага келин бўлиш истагим йўқ. Ўйлаб кўришимни айтиб, зўрға қутулдим. Эртасига дугонам билан ишни пишитдик. Чорсуга бориб, бир бозорчи хотинга юз минг сўм бериб, ўша аёлларнинг олдига жўнатдик...

Икки кун ўтгач, онам бир гап айтиб қолди. Севинганимни билдиришмадим. Ҳайратланиб гапларини эшитдим.

— Қизим, кегаги совчилар кўнғироқ қилишди. Ўғли билан маслаҳатлашмай келишган экан. Боланинг севгани бормиш. Узр сўрашди.

"Овчилар" асл сабабини айтишмабди-да. Ўзим айта қолай. Биз ёллаган аёлга бошқа бир оила борлигини ва уларнинг биздан кўра анча бойлигини, ёлғиз қизидан бошқа фарзанди йўқлигини айтишини тайинлаган эдик. У аёл кутганимиздан зиёда қилиб ишни уддалаган. Ана энди хотиржамман. Ишончим комил, ҳали ҳаммаси изига тушиб кетди. Мени тушунадиган, "эрбоқар" қиз кутмайдиган, масъулиятли йигит учрашига қаттиқ ишонаман.

Аҳад ЖУМАНҚУЛОВ.

ҚАДРИЯТЛАР КУРАШИ

...Ғарбда яшаётган дўстимдан хат олдим: у ёзибди: Яқинда баданини ўйиб чиздирганлар мусобақаси ўтказилди, алдаяпти, деб ўйламагину, лекин улар орасида ёш, жинс ва ҳатто уят деган гап йўқ. Энг кўп исирга таққанни ташкилотчилар шундай мақтадики, "матонатли жентельмен" эмиш. Бада-нига ҳар ниш санганда, миқ этмай халойиқнинг меҳрини қозонди. Ҳамма олқишлади, яланғоч ҳолда катта майдонни айланди, ўзини ўрнак қилиб кўрсатди. Болалар ғолибнинг ортидан эргашганини айтмайсанми?.. Бировларнинг ҳавасланиб, бошқаларнинг ҳирс билан тикилиши уни қилт эткизмайди. Сен шуни ёз, журналистсан-ку!

Нимасини ёзардим, бунақа манзаралар энди ҳеч кимни ажаблантирмайди, балки кўниккандек қаршиланади. Уни чиздиришга чизди-ради-ку, шунга яраша кийиниш ҳам керак-да. Кийиниш меъёрлари, таассуфки, роса хунуклашди.

Кийим-кечакнинг ҳаддан ортиқ бежаллиши, бадан ҳам унга мутаносиб кўрилиши учун очқиклик камлик қилганидек, ҳар турли сўзларда ҳирс-ни уйғотиш ҳаракатига тушди, "поп-культура" модераторлари.

"Impossible is nothing", "Ҳеч нарса имконсиз эмас" маъносигада бу гап, аслида, қаловини топсанг, қор ёнар, дея таърифланса ўринли. Ҳар қандай жумладан ҳам ижобийлик, ҳам салбийлик излаш — фазилат, бироқ кийим-кечакка ёзилган бу иборада ғайрат-шижоатга ундашдан кўра, "мен", манфаат кучли-роқдек. Одатда бундай оҳанг-даги гап йўналтириш оҳанг-да эмас, таклиф руҳида ишлатилади. Бошқаларида ҳам шундай: I love N/Y (Мен Нью Йоркни яхши кўраман), Night life (Тунги ҳаёт), I want you (Мен сени хоҳлайман), extreme (Фавқулодда), ride it, skate you.

Нозик битиклар "шаъма"-сида икки жиҳат яққол бўртиб чиқади: бирида ўзини атрофдагилар наздида, тап-тортмас, ҳар қандай ишга қодир "сиймо" қилиб кўрсатиш гавдаланса, кейингисига ўта лоқайд, аммо ахлоқий мўрт кишининг кўнгил талотулари, ҳаққириларни "жилоланган". Суратларнинг ўзиёқ фикри-мизни тасдиқлаш учун етарли. Чизилган расм — ўргимчак тўри ва унинг ичидан чиқиб урунаётган инсон: кўкка кўтарилиб бутун оламга қичқираётган робот, барларда эгасиз (эгасини кутаётган) қадаҳлар...

Ёзувларга изоҳ тариқасида берилётган суратларнинг ҳам айнан шахвониятга тўлалиги, аллақандай салбий фикр билан сўғорилганлиги кишини чуқур таажублантиради, турфа хил ўйларга ундайди.

Таассуфки, ўйлаганингиз-

дек маъни топилмайди, эҳтимол, чиндан бемаънидир. Барча ҳам чет тилида ёзилган мазкур жумлаларга жиддий эътибор қаратмас, кимдир умуман тушунмас, англаганда сотиб олмасди.

Классикадан — бестселлергача

Эндиликда моддийлик, боринги, шон-шухратга ўчлик таъсири ва таъқиб остида адабиётда классика



атамаси ўрнини бестселлер жаранги эгаллади.

XVIII асрга қадар Европани саргузашт романлар ҳайратлантирган бўлса, кейинчалик XIX асрда инсонлар ахлоқий-психологик асарларга жиддий эҳтиёж сезди. Орадан кўп ўтмай, детектив жанр дунё юзини кўрди. "Махфия қаҳрамонлар" ҳаётини олиб чиққан мазкур тур дарров оммалашди. Тезда ёйилишининг асосий сабаби эса — оламшумул муаммолар кўтарилигани эмас, бор-йўғи одамларнинг эҳтиросларини жунбушга келтирадиган воқеалар билан тўлиб тошганлигидир. Бу атаманинг негизига ҳам иқтисодий мақсадду муддао ётиши номланишиданоқ аниқ. Аввалгидек одамларнинг талаблари асрлар остида яшаб келаётган мумтоз адабиёт намуналари томон силжмай, балки тушунилиши осон, миани ачитмайдиган ҳамда фикрлашга ундамайдиган пуч, китоб дўконларидаги уюлиб ётган миллионлаб нусхада чоп этилган асарлар — уйдирма ва сафсаталар намунаси томон оғди. Ўта жўн, худди порнографик фильмдан ўғирланган сюжетни эслатувчи катта боблар оҳанрабодек маълум аудиторияни ўзига тортди ва ошфута китобхон минг саҳифали романи мижа қоқмай ўқиб чиқиб, унинг давомидан интиклана бошлади. Бу асарларнинг ўқувчилари ҳам, анъанавий китобхонлардан бир неча бор ортиқ ва китобни қайта-қайта ўқимайдилар, бор-йўғи ҳавас учун тикилаб чиқадилар ва ўрни келганда шу турдаги эҳтирос кўзгатуви "оммабоп" материалларга маблағни аямайди, турли воситаларда уларни топишга уринадилар.

Адабий пойга

Америкалик ўз даврининг пешқадам адиби, кўпгина илғор журналистик асарлар муаллифи Терри Саузернинг "Асал қиз" романи айнан бестселлерлик чўққисидир.

Энг кўп ўқилган китоб, энг катта даромад келтирган асар деганимиз. Буни далиллаш учун қуйидаги рўйхатга назар ташлаш kifоя. Унда ёзувчиларнинг беҳисоб маб-

ортдан минглаб (эҳтимол, ундан ҳам кўпроқдир) ўқувчи эргашади... Саҳифа, қатор учун гонорар олиш дегани, уйдирма ва олди-қочдиларни ёзиш дегани эмас-ку! Майли, ижод эркиндир, бироқ кўнгил иши — даромад ишига айланмаслиги керак.

Дабада ортидаги трагедия

Ахборотни онгли қабул қилиш ҳар кимда ҳар хил кечади. Масалан, кўниккан янгилик қанчалик "сержило" бўлса-да, кишини таъсирлантирмаслиги мумкин. Бироқ сиз қилт этмаган хабардан бировнинг таажубланиши ё лоқайдлигини кўрганда беихтиёр кўнглингизнинг бир чети қаттиқ тебранади...

Интернетдаги хабарни овозимни кўйиб русчалаб ўқигач, нафратланганнамо столни енгил муштладим. Ёнимда мактаб ёшидаги укам ўтираркан, бу ҳаракатимдан ҳайратланиб, сўради:

— Ака, нима дебди. Нимага ҳаҳлингиз чиқди?

Жим ишорасини бердим-у, жавобимдан қониқмаган укамга дедим:

— Кореяда бир жинсли никоҳ... норасмий ўтибди.

Томоғимга нимадир тикилгандек туюлиб, гапимни охирига етказолмадим.

— Бир жинсли никоҳ дейсизми?..

Чиндан у менинг рангу рўйимдан ниманидир аёнлашди-ю, аммо бир жинсли никоҳ тўғрисида эшитмаган, балки етти ухлаб тушига ҳам кирмагани учунми "бу нима бало экан" деб ўйларди. Жиддий оҳангда тушунтиришга ўтдим... Албатта, эшитгани маъкул эди.

— Тавба, дегулик... Дунёнинг ўн етти мамлакатда тўй тўй эмас, бачкана, ўзини кўз-кўз қилиш, дабада. Аёл ўз жинсидаги тегиши мумкин. Эркак эса...

Укам тушундим дегандек бош тебратди-ю, юзида аллақандай ижирганиш акси тажассумланди ва истеҳзоли жилмайган кўйи гап қотди.

— Ким хўжайин... оила бошлими?..

— Дарсингни қил! Чалғима!

У китоб ўқиш асносида тўхтаб-тўхтаб талай вақт ниманидир хаёлан муҳокама қилганини сезиб, кўнглимга мамнулик ҳисси тўлди. У хабарни табиий қабул қилолмай қарахтланарди. Бунга эътибор бермай, худди ёнги-насида юз бераётгандек кўл силтаса, бу чиндан трагедия! Шундай фожеадан асрасин!

Шу ўринда ҳазрат Алишер Навоийнинг қуйидаги фикрлари хаёлга келади: "Агар огоҳсен, шохсен, Агар шохсен, огоҳсен".

Бундан қарийб беш юз йил илгари битилган мазкур жумла бугунги кунга келиб, ўз қадрини янада баянлаб кўтарди. Салкам олти асрлик та-раққийётни илған аллома-

Мушоҳада

нинг шохлиги айнан огоҳли-гида акс этади.

Бир неча кун илгари кўлимга тўсатдан тушиб қолган шеърнинг таъсири чиндан ҳам ҳайратлантирадиган да-ражада эди...

... Хўроз хўроз билан
Ўтказса тўйин,
Буқалар буқа деб
ипини узса.
Бу қандай томошо, бу
қандай ўйин,
Сигирлар сигирга
кўзини сузса...

Инсон муқаррамдир
унутма асло,
Шаънига ёмон гап
тўқима, болам.
Бу шеърни бир ўзинг
ўқидинг, аммо
Ўқима бировга,
Ўқима, болам!

Ҳассос шоир Абдулла Ориповнинг сўзи бугунги кун Ғарб трагедиясининг поэтик ифодасидир. Инсон махлуқотлар ичида энг муқаррами.

Болаларни асрамоқ, келажакни асрамоқдир. Машхур футболчи Пеле халқроқ миқёсда ўтказилаётган анжуманда оммага қарата "Болаларни асраг" дея ҳайқиргани эсингиздадир.

Истара — зархарид

Азиз Несиннинг "Сиз унга ёқмабсиз" номли ҳикоясини ўқиб роса мириқиб қулгандим. Воқеада келтирилиши-ча, ҳикоя қаҳрамони ёши 30 дан ошиб ўйланишга қарор қилади-ю, бироқ унга ҳеч ким розилик бермайди. Хуллас, сочи тўкилган, тиши тушган... охир, бир холасининг идорасидаги қизни кўришга боради. Уни кўриб ҳафсаласи бир бўлиб, уйга қайтади-да, чорасиз ўйлай-ўйлай ахийир, унга ўйланишга аҳдланади. Аммо холасининг олдида борганида "Сиз унга ёқмабсиз" деган жавобни эшитади.

Бу ҳикоя-да, деган ўй бошимда юрггани ҳамоноқ дўстим сим қоқди. Ўз ташвишини сўзлай кетди. Гапи ту-гагач, ҳазиллашдим.

— Сени Азиз Несин билан таништириб қўяман.

У баттар тутатди.

— Тушунсанг-чи-эй, майна қилгунча ёрдам берсанг-чи. Қиз чиройли, ишонмасанг бирга юр, лекин кўнгал бошқа экан. Уйдагилар ўйлансанг, дод шунга тамом, бошқаси бўлмайди, деб туриб олган. Сочини сап-сарик, алламбало рангга бўяган, тирноғи уп-узун! Масыулиятсиздек туюлди...

Кейинги ҳафта йўлга тушдим:

— Юр, бахтингни берсин. Севиб қолганинда шунча оворамиз чиқиб югурмасмидик. Бечора бобомнинг ҳам кавуши таги адо бўлгандир.

Учрашувдан анча таассуротлар билан қайтди.


Агар истара деган нарса сотилганда, у зархарид матоҳга айланар, бўёқ, фозани биров сўрамас, кўчада тикилиб ётармиди? Хайриятки, у бебаҳо.

Олимжон ЖУМАОБОВ.

“Ернинг таянч нуқтасини топиб беринг, мен уни тескари айлантирман”, — деган экан Архимед. Аслида ана шу шаккоқликда ҳам шак-шубҳасиз ҳақиқат мавжуд. Чунки ернинг таянч нуқтасини ахтарган киши, турган гапки, аслиятга яқинлашади. Халқимиз орасида юрган бошқа ривоятда кураги ер кўрмаган полвон бир даврада ҳадидан ошиб: “Агар ернинг балдоғи бўлганида, уни ҳам даст кўтариб кифтимдан бир оширар эдим”, — дебди. Зиёфатдан сўнг уйига қайта туриб, йўлда бир чолга йўлиқибди. У полвондан ердаги қопни елкасига олишга кўмаклашиб юборишини сўрабди. “Ҳа, қариллик қурисин, қариллик!” Полвон мийиғида қулиб, ҳатто отдан тушишни ҳам ўзига эп кўрмай, қамчисига қопни илдириб кўтаришвормоқчи бўлибди — қоп қимир этмабди. Бир оз жиддий тортибди у. Эгардан эгилиб, ўнг қўли билан қопни чангаллаб кўтармоқчи бўлибди — жойидан кўзгата олмабди. Аввал бир оз ажабланган бўлса, энди росмана ҳайратга тушибди. Шарт отидан сакраб тушибди-да, қамчисини тишлаб, қопни қучоқлаб даст кўтармоқчи бўлибди — қилт этмабди, зил-замбил экан қоп. Ҳолдан тойиб ерга ўтириб қолибди. Саволчан нигоҳини чолга тикибди: “Қопингизда нима бор, ота — намунача оғир!”

— Қопимда бор-йўғи бит-тагина тош бор — тухмат тоши: инсоннинг тили тарзида тарошланган у! — дебди чол маъноли жилмайиб. Сўнг, сўхбатдошини маҳтал қилмай, қопнинг оғзини очиб, ичидаги тошни кўрсатибди. Қопнинг тубида кичиккина бир тош бор экан, холос! Қопнинг худди похол билан тўлатилган каби ерда тик тургани таажжубланарли эди. Чол бу саволга ҳам жавоб берибди: “Қопим оддий қоп эмас — гуноҳлар қопи. Тухмат тоши туфайли тўлланган гуноҳлар билан тўлган у. Гуноҳлар кўзга ташланмайди, аммо залвори тош босади — уни жойидан силжитма олмангнинг сабаби ҳам шундан, — дебди чол, сўнг қопни енгил бир ҳаракат билан елкасига олиб: “Тухматнинг тоши оғир — уни фақат ер кўтара олади”, — дея йўлида равона бўлган экан...

Ростдан ҳам тухмат — тил офатларидан бири. Унинг оқибати худди дунё ўт ичра ёки сув остида қолгани каби жуда аянчли. Шунинг учун ҳам нурионийлар Аллоҳдан омонлик сўраб, дуога қўл очганида, ўт балоси, сув балоси ва тухмат балосидан асра, деб юзига фотиҳа тортади. Чунки, бошқа билмаса ҳам, биз ўзбеклар олис ва яқин ўтмишда унинг тахир талхини бир неча бор топиб кўрганмиз.



Ҳар гал тухмат ҳақида гап кетса, сеvimли хонандамизнинг таниш қўшиғи қулогимга чалингандек бўлади: “Мулла тўрғай тонг сахарлаб бўзлайди, Бийгул, равзангул!” Бу қўшиқнинг яратилишига сабаб аламли бир тарих, ундан-да аччиқроқ бир қисмат бор. Унда чирокчилик Тоғай шоирнинг қисмати, ўтган асрнинг 30-йиллари содир бўлган бир воқеа тафсилоти акс этган: тухмат ту-

файли тўзғиб кетган тақдирлар тарихи бу, аслида. Ўшанда Тоғай шоирнинг довруги эл ичида машҳур бўлган, номи нафақат Чироқчида, балки Самарқанду, Сурхондарёга ҳам ёйилиб улгурган экан.

...Ўтган асрларда катта бир элга ноиб этиб тайинланган Меккам оқсоқол тўй қиладиган бўлибди. Ҳар тарафдан казо-казо кишилар базмга таклиф қилинибди. Таниқли созандаю

хонандалар ҳам чорланибди. Аммо, қишлоқнинг номдор бахсиси Тоғай шоирни атай айттирмабди — ўздан билиб, келиб хизматда турсин, деган қарорга келибди оқсоқол: “Ҳарқалай, у Тоғай бахши бўлса, мен — Меккам оқсоқолман!” — деган ўй кечибди ҳаёлидан. Тоғай шоир бунини бошқача тушунибди: “Меккам оқсоқол, ҳарқалай шўронинг ишончли одами. Тўйига кўп таниқли хонандалар келади, бундай казо-казоларнинг ичида мен — бу даврага муносиб бўлмасам керак”, — деган ўйга борган. Шунинг учун оқсоқолни кўп тўй кулук бўлсинга бир кириб чиққану, Самарқандга тўйга кетиб қолган.

Аввалдан қишлоқдошининг довругига дамландиб юрган Меккам чолга худди шундай бир зиддиятга зарурат бўлган чамаси. Афтидан у элга ҳайқириб доврүг қозонаётган бахшнинг пайини қирқишга бир баҳона ахтариб юрган — тўй баҳона шу ваз пайдо бўлган. Шунини дастак қилиб, ғаразли ниятини амалга оширишга киришган. Шоирнинг устидан чақув уюштирган — “шўроларга қарши қўшиқлар куйлайди”, деб тухмат қилган ва кейин қандай даҳшатли воқеалар содир бўлганини қўшиқдан аңлаш мумкин:

*Яшшамагур Меккам чол,
насибамни синдириб...*

Йигирма олти йил Россия ўрмонларида ўтин кесишга маҳкум этилган Тоғай шоирнинг қалбида битмас-туганмас бир армон бўлган. Тўзғиб кетган оиласини яна тиклай олармикун? Тўнғич қизлари қишлоқда қолди. Энг кенжатоий Шомуродни йўл азобига дош беролмайди, деб йиғлаб-йиғлаб Самарқанд вокзалида қолдиришганди: аҳволи нима кеч-

Мулоҳаза
дийкин? У мана шуларнинг барисини авахтдан озод бўлгач аниқлаб, ойдинлик киритиш илинжи билан яшаган. Бу машҳур қўшиқ ана шу синиқ кўнгилнинг ноласи сифатида дунёга келган. Аммо, кўп ўтмай, ота юртидан мужда келади. Бу тухматларнинг бошида лаънати Меккам чолнинг турганидан, ошналари уни отга боғлаб судратма қилганидан хабар топади. Бахшиликда камол топиб келаётган ўғли Шомуродга шу шеърни ўргатишни ҳаёл қилиб турганди, фикридан қайтади — сўзларини қайта ёзади. Оҳанг ўша-ўша, фақат мазмун ўзгарди: Ўзбекистон халқ бахсиси Шомурод бахши Тоғай ўғли бутунга қадар куйлаб келаётган “Выйду, выясну... (чиқаман, тагига етаман)” деган русча сўзлар “Бийгул, равзангул” тарзида қайта талқин этилган қўшиқнинг қисқача тарихи шу.

Шукрки, истиқдол шарофатидан кўпдан-кўп фазилатлар соҳиби сифатида қайтадан буй кўрсатмоқдамиз. Элимизда ҳам, феълимизда ҳам эзгу сифатлар таркиб топяпти. Қадим қадриятларимиз қайтадан қад ростлай бошлади. Аммо, бунинг бариси осонлик билан қўлга киритилмаётгани, балки заҳматлар эвазига эришилаётганини ҳам эслан чиқармаслигимиз лозим. Зотан, тухматлар талхини татиған эл сифатида ҳам, яқин ўтмишни қўмсашдан, яна кимгадир муте бўлишдан ҳазар қилишга, мустикаликнинг қадрига етишга бурчлимиз.

**Худоёр МАМАТОВ,
юридик фанлари доктори.**

ФХДЁ БЎЛИМЛАРИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

Фуқаролик ҳолатини қайд этиш қайси қонун ҳужжатлари асосида тартибга солинади ва қандай фуқаролик ҳолатлари ФХДЁ органларида қайд этилади?
С. Эргашева.

Фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларини қайд этиш Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Оила кодексига, Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларига, ФХДЁ органларида иш юритиш тартиби ҳақидаги йўриқномага ва ФХДЁ органлари фаолиятига тааллуқли бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Туғилишни, ўлимни, никоҳ ва никоҳдан ажратишни, фарзандликка олишни, оталикни белгилашни, далолатнома ёзувларига ўзгартиш, қўшимча ва тузатишлар киритишни қайд этиш ФХДЁ органларида амалга оширилади.

Фуқаролик ҳолатини қайд этиш билан боғлиқ қайси қонун ҳужжатларига қандай ўзгартишлар киритилган?

Т. Сотволдиева.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 22 апрелда N 1564-сонли билан рўйхатга олинган Адлия вазирлиги Хайъатининг 2006 йил 21 апрелдаги 10-сон қарори билан тасдиқланган “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) органларида иш юритиш тартиби тўғрисида Йўриқнома” Адлия вазирининг 2013 йил 31 декабрдаги буйруғи билан бекор қилиниб, унга ўзгартириш ва қўшимчалари киритилиб, “ФХДЁ органларида

иш юритиш тартиби ҳақидаги Йўриқнома” тасдиқланди.

Мазкур йўриқноманинг 47-бандига асосан туғилишни қайд этиш учун 1 ойлик муддат ўтказиб, бола 16 ёшга тўлгунча қадар муружжаат этилган ҳолларда туғилишни қайд этиш рад этилмаслиги ва умумий асосларда амалга оширилиши, бола 1 ёшга тўлгандан сўнг унинг туғилиши боланинг туғилган жойида ёки ота-онадан бирининг доимий яшаш жойида қайд этилиши белгиланди.

Эски йўриқномада эса мазкур ҳолатни қайд этиш фақат ота-онанинг бирининг доимий яшаш жойида қайд этилиши, бола туғилган жойида қайд этилмаслиги белгиланган эди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 30 апрелдаги 352-сонли Қонуни билан Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг “Фарзандликка олиш” деб номланган 151-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, мазкур кодекснинг 151-моддаси 2-қисми эски тахририда фарзандликка олиш болани фарзандликка олиш истагини билдирган шахсларнинг аризасига кўра, васийлик ва ҳомийлик органларининг тасвисясига кўра туман, шаҳар ҳокими қарори асосида амалга оширилиши белгиланган бўлса, кодекснинг мазкур моддаси 2-қисми янги тахририда фарзандликка олиш болани фарзандликка олиш истагини билдирган шахсларнинг аризасига кўра, васийлик ва ҳомийлик органларининг хулосасига кўра суд томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Саволларга Зомин тумани ФХДЁ бўлими мудири Маҳбуба РАДЖАБОВА жавоб берди.

ТОПИБ ОЛИНГАН БОЛА

Ташлаб кетилган боланинг туғилганлигини қайд этиш тартиби қандай?

**Д. Аҳмедова,
Фаллаорол тумани.**

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12-апрелдаги қарори билан тасдиқланган фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларининг 27-бандига асосан, топиб олинган (ташлаб кетилган) боланинг туғилганлигини қайд этиш Ички ишлар бўлими, васийлик ва ҳомийлик органлари, бола жойлашган муассаса маъмурияти ёки тиббиёт муассасасининг аризасига биноан амалга оширилади. Болани топиб олган шахс бу ҳақда 24 соат ичида ушбу тумандаги Ички ишлар бўлими ёки васийлик ва ҳомийлик органига хабар бериши керак.

Мазкур қоидаларнинг 28-29-бандларига асосан топиб олинган (ташлаб кетилган) боланинг туғилганлигини қайд этиш ҳақидаги аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

а) Ички ишлар бўлими ёки васийлик ва ҳомийлик органининг боланинг топиб олинган вақти, жойи ва топиб олинган пайтдаги ҳолати тўғрисидаги далолатномаси;

б) Тиббий муассасанинг топиб олинган ёки ташлаб кетилган боланинг ёши ва жинсини тасдиқловчи маълумотномаси;

Ота-онанинг фамилияси, исми ва миллати тўғрисидаги маълумотлар боланинг туғилиши ҳақидаги далолатнома ёзувига юқорида санаб ўтилган органларнинг кўрсатмалари асосида киритилади. Бундай ҳолда боланинг ва боланинг ота-онани сифатида кўрсатилган шахсларнинг фамилияси бир хилда ёзилади.

Саволга Фаллаорол тумани ФХДЁ бўлими мудири Р. НОРҚУЛОВА жавоб берди.

ИНТЕРНЕТ МАДАНИЯТИНИ БИЛАМИЗМИ?

Дунё миқёсида тобора ривожланиб бораётган интернет ахборот бозорининг кучли ва кенгкамровли, таъсирчан қуролига айланаётгани сир эмас. Бугун виртуал оламда истаганча ҳолис ё ноҳолис ахборот-маълумотларга дуч келиш мумкин. Шу боис ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласи халқаро миқёсдаги муаммолар сирасига қиради.

Шундай экан, бугун интернет орқали тарғиб қилинаётган турли гоёяни ва ахборий хуружларидан ёшларимизни ҳимоялаш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Интернетда бериб бориладиган маълумотларнинг аксарияти чет тилларда, асосан, инглиз тилидадир. Булар билан яқиндан танишиш, унинг ҳолис ёки ноҳолислигини аниқлаш учун эса чет тилини пухта ўзлаштириш зарур. Шу орқали ўзимиз ва фарзандларимизни турли хил ахборот хуружларидан ҳимоялаган бўламиз.

2012 йилнинг 10 декабрида Юртбошимизнинг "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Бунинг натижаси ўлароқ, миллий таълим соҳасида хорижий тилларни ўқитишнинг самарали тизими жорий этилди. Ўсиб келаётган ёш авлодни чет тилларга ўқитиш, шу тилларда эркин сўзлаша олади-

ган мутахассислар тайёрлаш тизими тубдан такомиллаштирилмоқда. Бу он-лайн ресурсларидан кенг кўламда фойдаланиш имконини беради. Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида кўпгина миллий интернет сайтларимизда масофавий таълим ҳамда интернет-кутубхоналар ташкил қилинди. Жумладан, ziyonet.uz ахборот-таълим порталининг бепул инглиз тилини



ўрганиш бўлими аллақачон ўз ўқувчиларини топган.

Дарҳақиқат, бугун юртимизда интернет тармоғидан фойдаланмайдиган ёшлар камдан-кам топилади. Ижодий меҳнат қилиш, ўқиш, янгиликлардан хабардор бўлиш, қолаверса, бошқалар билан мулоқотга киришиш — буларнинг барчаси интернетдан фойдаланувчилар



Мулоҳаза

учун яратилаётган кенг имкониятлар самарасидир. Бу ишлар замирида ёшларимизни ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, уларни турли ёт гоёлар таъсирига тушиб, боши берк кўчага кириб қолишдан асрашдек олижаноб мақсад мужассам.

Виртуал таҳдид авж олаётган бир пайтда интернет билим ва керакли ахборотни олиш учун улкан имконият яратади. Интернет фақат билим бериши, соғлом дунёқарашни шакллантириши, бошқача айтганда, эзгуликка хизмат қилиши керак. Бирок, ундаги ахборотларнинг барчасини ҳам фойдали деб бўлмайди. Фойдаланувчилар маълумотларнинг тўғри ёки нотўғрилигини аниқ ажрата билиши учун танқидий фикрлай олиши ҳам лозим. Бунинг учун

эса ёшларимиз компьютер ва чет тилларни пухта ўзлаштиришлари, қолаверса, уларда интернетдан фойдаланиш маданиятини шакллантириш талаб этилади.

**Тошбиби ЭСОНОВА,
Бухоро вилояти, Ғиждувон туманидаги 48-мактабнинг немис тили ўқитувчиси.**



ТОШ-ТЎЛҚИН

Фарбий Австралия маркази ҳисобланмиш Перт шаҳридан 350 километр узоқликда жойлашган Хайден шаҳарчаси яқинида шундай қоялар тизими ястаниб ётадики, тасаввурингизда уммон тўлқинлари қирғоққа келиб урилгану, шу заҳотиёқ тошга айланиб, мангу қотиб қолган ажиб бир манзара жонланади. "Тош-тўлқин" деб аталувчи табиатнинг ақл бовар қилмайдиган ушбу мўъжизасини томоша қилиш учун ҳар йили дунёнинг турли минтақаларидан 140 мингга яқин сайёҳ ташиф буюради. "Тош-тўлқин" қоясининг шаклланиш тарихи шу турдаги ҳодисалар ичида дунёда энг қадимийси ҳисобланади. Яъни, унинг бунёд бўлиш тарихи уч миллиард йилга бориб тақалади.



Тош-тўлқин қатламларида кўзга кўринмас бўлса-да, шундай тош-чирик ўтганки, гўё қояга осилиб турган кесма қуруни эслатади. Ёмғир сувлари ушбу кесма қурулардан оқиб бориб, қоялар орасида кичик сув омборини ҳосил қилади. Аслида, кесма қурур деганимиз 1951 йилда тош-тўлқин тизмаси бўйлаб сунъий равишда қурилган тиргакли девордир.

Тош-тўлқиннинг ўзи улкан гранит ҳосила бўлиб, бир неча гектар майдонларни эгаллаб ётади ва Хайден-рок қояларининг асрлар давомида емирилган каттагина қисми ҳисобланади. Тўлқинлар баландлиги 15 метр, узунлиги 100 метрдан зиёд.

Олимларнинг айтишича, тош-тўлқиннинг ҳозирги кўриниши бундан 60 миллион йиллар илгари, майда гранит жинсларининг кимёвий емирилиши, ёмғир сувлари билан қоришиши ва шамол йўналиши бўйлаб чиқисимон шаклда қотиб бориши натижасида вуждуга келган. Даврлар ўтиб, турли табиий жараёнлар таъсирида тош-тўлқинлар ноодатий шакллар ҳосил қилиб борган. Тўлқинлар узун кесма асосдан бошланиб, ярим айлана бўлиб осилиб турган ҳолатда тугайди. Кун давомида ёруғликнинг ўзгаришига қараб тош-тўлқинлар ҳам ўз ранглари ни ўзгартиради ва бу аjoyиб манзара минглаб сайёҳларнинг эътиборини ўзига жалб этади.

**Наргиза СИДДИҚОВА
тайёрлади.**

“ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ” ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни

**8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси куни билан қутлайди!**

Ҳуқуқий-демократик давлатнинг асосий белгиси — фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, жамият ҳаётида қонунлар устуворлигидир.

Бош Қомусимиз барча қонунларнинг асоси сифатида изчил ислоҳотлар, янгилашни ва демократлаштириш жараёнида муҳим аҳамият касб этаётир. Шу маънода бугун мамлакатимизнинг гуллаб-яшнашида, дунё ҳамжамиятидан муқим ўрин эгаллашида унинг аҳамияти юқори.



**БАЙРАМИНГИЗ
МУБОРАК,
АЗИЗ
ВАТАНДОШЛАР!**

Хизматлар лицензияланган

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, “Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш” ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди

Таҳририятга келган кўлэмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмуни учун таҳририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00.

E-mail: oilavajamiyat@mail.ru

ISSN 2010-7609



9 772010 760007

**Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ**

Навбатчи муҳаррир — **Олимжон ЖУМАОБОВ**

Саҳифаловчи — **Илхом ЖУМАНОВ**
Мусаҳҳиҳлар — **Саидғана САЙДАЛИМОВ,
Қамола АДАШБОВА**

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темуру кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида **0169**-рақам билан рўйхатга олинган. Бюроғимиз Г — 1236. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади — 4286. Баҳоси келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел-факс) **233-28-20**
Котибият: **233-04-35, 234-76-08**

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

1 2 3 5